Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 156 (8396). 18 август, 1984 йил ● ШАНБА ● Баҳоси 3 тийин.

ХУШХАБАР

ЙИЛЛИК МАРРА ЭГАЛЛАНДИ

СССР Озиқ-овқат программасининг муваффақиятли бажарилишига муносиб ҳисса қўшиш учун курашаётган Тошкент районидаги Карл Маркс номли колхоз деҳқонлари катта зафар қучдилар. Улар областда биринчилардан бўлиб давлатга сабзавот ва картошка сотиш йиллик планини бажардилар. Эл дастурхонига шу кунгача 8880 тонна сабзавот маҳсулотлари етказиб берилди. Картошка тайёрлаш плани эса ортиғи билан уддаланди. Фақатгина эртаги ва ўртаки ҳосил ҳисобига аҳолига 1756 тоннадан ортиқ картошка жўнатилди.

Хўжаликда айниқса карамдан мўл ҳосил етиштирилди. Қабул пунктларига йиллик пландаги 3750 тонна ўрнига 5040 тонна карам топширилди. Йиллик план 134 процентга бажарилди. Ҳар гектар ердан ўртача 500 центнердан карам йиғиштириб олишга эришилди. Шунингдек, колхозда бодрингдан ҳам мўл ҳосил етиштирилди. Турли сабзавот экинлари плани 550 ўрнига 610 тонна қилиб бажарилди.

Бу ютуққа колхознинг Жўра Раҳбаров, Файзи Миразъамов, Олтмишбек Ўрозов, Тоҳир Жалилов сингари тажрибали сабзавоткорлари бошчилик қилаётган бригадалар коллективлари муносиб ҳисса қўшдилар. Улар ҳозиргача ҳар гектар ердан 550—600 центнердан карам, 400—500 центнердан бошқа турдаги сабзавот маҳсулотлари йиғиштириб олдилар.

Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллик юбилейи нишонланадиган йилда колхоз деҳқонлари янада мўл картошка—сабзавот маҳсулотлари етиштиришга аҳд қилдилар.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ СИЁСИЙ БЮРОСИДА

КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси ўзининг навбатдаги мажлисида мамлакатдаги телевизион кўрсатувнинг моддий-техникавий базасини 1984—1990 йилларда ривожлантириш тўғрисидаги масалани кўриб чиқди.

Мажлисда уқтириб ўтилганидек, кейинги йилларда совет телевидениеси анчагина ривож топди. Янги кабель ва радио реле линиялари қурилди, кучли телестанциялар ишга туширилди, «Орбита», «Экран» ва «Москва» космик системалари ишлаб турибди, улар телевидение кўрсатувларини мамлакатнинг ҳамма шаҳарларига ва қишлоқ жойларидаги кўпчилик районларга етказиш имконини бермоқда. Шу билан бирга фантехника тараққиётининг ютуқлари рангли кўп программали телевизион кўрсатувни ривожлантириш ва унинг сифатини анча ошириш учун янги имкониятлар очмоқда.

КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Советининг шу масала юзасидан қабул қилган қарорида олиб кўрсатувчи телевизион станциялар, телевидение ва радио эшиттириш объектлари қуриш, кенгайтириш ва уларни реконструкция қилишга, йўлдош телевидениеси системаларини ишлаб чиқишга, шунингдек телевизион асбоб-ускуналарнинг ҳар хил турларини ишлаб чиқаришни кўпайтиришга қаратилган тадбирлар комплекси белгиланди. Бу тадбирлар мамлакатнинг барча иттифоқдош ва автоном республикалари, ўлка ва областлари аҳолисини телевизион кўрсатувдан янада тўла-тўкис баҳраманд қилишни таъминлаш, умуман совет телевидениесининг иш савиясини ошириш имконини беради.

КПСС Марказий Комитети 1984 йил апрель Пленумининг қарорларига мувофиқ Сиёсий бюро халқ депутатлари Советларининг ишини янада такомиллаштириш ҳамда уларнинг хўжалик ва социал-маданий қурилиш, аҳолига хизмат қилиш барча соҳаларига таъсирини кучайтириш билан боғлиқ бўлган баъзи масалаларни муҳокама қилди. Халқ депутатлари қишлоқ ва посёлка Советларининг ҳамда кичик шаҳарлар шаҳар Советларининг кадрларни танлаш ва мустаҳкамлашни яхшилаш мақсадида шу Советлар ижрокомларининг сайлаб қўйилган ходимлари мансаб окладларини, шунингдек саноат, қишлоқ хўжалиги, халқ маорифи ҳамда бошқа тармоқларнинг мутахассислари совет ишига ўтган пайтда сақлаб қолинадиган иш ҳақи миқдорини келгуси йилдан бошлаб ошириш мақсадга мувофиқ деб топилди.

КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси ўртоқ Д. Ф. Устиновнинг Яман Халқ Демократик Республикаси мудофаа министри С. М. Қосим билан учрашуви якунларини маъқуллади, шунингдек бошқа баъзи ички сиёсий ва халқаро масалаларни кўриб чиқиб, улар юзасидан қарор қабул қилди.

ШОНЛИ ЮБИЛЕЙНИ МЕҲНАТДА ЯНГИ ЗАФАРЛАР БИЛАН КУТИБ ОЛАЙЛИК!

ПАХТАЗОРДА ИШ ҚИЗҒИН

● РАСУЛ Жабборов Пискент районидаги «Пискент» совхозининг тажрибали механизаторларидан бири. Хўжаликнинг у меҳнат қилаётган Халил Иброҳимов бошчилигидаги бригадаси пахтакорлари юбилей йилида 115 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 45 центнердан «оқ олтин» етиштиришга аҳд қилишган. Айни кунларда коллектив деҳқонлари ғўза парваришини уюшқоқлик билан давом эттиришяпти. Бу ишларни бажаришда Р. Жабборов барчага ўрнак бўлаётир.

Суратда: механизатор Р. Жабборов.

А. Мальцев фотоси.

ҚУРИЛИШ ДОИМИЙ ПАРТИЯВИЙ КОНТРОЛ ОСТИДА БЎЛСИН

Қурилишлар ва бинокорлик материаллари саноати корхоналари партия ташкилотлари секретарларининг 16—17 август кунлари Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ўтказган республика семинарида партия XXVI съезди, КПСС Марказий Комитети 1983 йил июнь Пленуми, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми талаблари асосида бошланғич партия ташкилотларининг иш услуби ва методларини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари ҳамда уларнинг республика қурувчилари коллективларини қурилиш самарадорлиги ва сифатини оширишга сафарбар қилиш соҳасидаги асосий йўналишлари кўриб чиқилди.

Семинарни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. Б. Усмонхўжаев кириш нутқи сўзлаб очди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари Т. Н. Осетров, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретарлари Р. Ҳ. Абдуллаева, Г. Х. Қодиров қурилиш коллективларидаги ташкилий-партиявий ва ғоявий тарбиявий ишнинг актуал проблемалари юзасидан докладлар қилдилар.

Семинар қатнашчилари тажриба алмашдилар, партия ташкилотлари маъмуриятнинг фаолияти устидан контролликни қандай амалга ошираётганликлари, кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялаш масалалари билан шуғулланаётганликлари, сиёсий ва иқтисодий ўқишга раҳбарлик қилаётганликлари, ишлаб чиқариш ва меҳнат интизомини мустаҳкамлашга интилаётганликлари ҳақида гапириб бердилар. Бир қанча ахборотларда партиявий ишни планлаштириш, цех партия ташкилотларига ва партия группаларига раҳбарлик қилиш практикаси батафсил таҳлил этилди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми қарорларини амалга ошириш, капитал қурилишдаги салбий ҳодисаларни — қўшиб ёзиш, кўзбўямачиликни тугатиш, коллективларда камчиликларга нисбатан муросасизлик, танқид ва ўз-ўзини танқидни дадил авж олдириш, ишлаб чиқариш ходимларининг хат ва аризаларига эътибор билан қараш вазиятини вужудга келтириш тадбирларига катта эътибор берилди.

Семинардаги нутқларда социалистик мусобақани янада ривожлантириш, формализм ва расмиятчилик элементларини тугатиш, барча янги ташаббусларни, айниқса коллектив пудратни янада актив қўллаб-қувватлаш зарурлиги уқтириб ўтилди.

Бутун партиявий-ташкилий ва мафкуравий ишлар қишлоқ хўжалигининг муҳим объектлари, уй-жой, мактаблар, болалар муассасалари, даволаш муассасалари ва бошқа маданий-маиший муассасалар қурилишида йўл қўйилган қолоқликни тезроқ бартараф этишга, шу йилги тиғиз планларни ва умуман беш йиллик планни сўзсиз бажаришга, Ўзбекистон ССР билан Ўзбекистон Компартияси ташкил топган кунинг 60 йиллигини муносиб кутиб олишга қаратилиши лозимлиги семинарда уқтириб ўтилди.

Семинар иштирокчилари Тошкентнинг йирик қурилишларида, қурилиш министрликлари ва идораларида бўлиб, уларнинг иши билан танишдилар.

Семинар ишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари И. Г. Анисимкин қатнашди.

(ЎзТАГ).

МУСОБАҚА ҒОЛИБЛАРИГА ҚИЗИЛ БАЙРОҚЛАР

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришни ошириш, турларини кўпайтириш ва сифатини яхшилаш учун министрликлар, идоралар, Қорақалпоғистон АССР, областлар, Тошкент шаҳри, бирлашмалар ва корхоналар республика социалистик мусобақасининг 1984 йил иккинчи кварталидаги якунларини кўриб чиқдилар.

Қуйидагилар социалистик мусобақа ғолиблари деб топилдилар ҳамда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроқлари билан мукофотландилар:

В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси, бу бирлашма халқ истеъмол қиладиган моллар ишлаб чиқариш планини 100,7 процент бажарган, бу молларни ишлаб чиқаришни 1983 йилнинг иккинчи кварталига нисбатан 10,5 процент кўпайтирган, давлат Сифат белгиси қўйилган моллар салмоғини 59 процентга етказган ва шартнома мажбуриятларига мувофиқ маҳсулот етказиб беришни ҳисобга олганда маҳсулот реализация қилиш планини бажарган.

Ўзбекистон ССР Енгил саноат министрлигининг Халқлар Дўстлиги орденли, СССР 60 йиллиги номидаги Марғилон «Атлас» аврдирилган газламалар ишлаб чиқариш бирлашмаси, бу бирлашма халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш планини 102,7 процент ва «Янгилик» белгиси қўйилган маҳсулот ишлаб чиқариш планини 142,6 процент, шартнома мажбуриятларига мувофиқ маҳсулот етказиб беришни ҳисобга олиб маҳсулот реализация қилиш ва давлат Сифат белгиси қўйилган маҳсулот ишлаб чиқариш планини тўла бажарган, маҳсулотни кўпайтиришнинг 87 процентини меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига таъминлаган.

Ўзбекистон ССР маҳаллий саноат министрлиги ошхона мебели ва бошқа мебель ишлаб чиқарувчи Тошкент заводи, бу завод халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш планини ва олинган социалистик мажбуриятларни ошириб бажарган, бу молларни ишлаб чиқаришни ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 8,3 процент кўпайтирган, шартнома мажбуриятларига мувофиқ маҳсулот етказиб беришни ҳисобга олиб маҳсулот реализация қилиш планини бажарган, маҳсулотнинг 42 процентгача бўлган қисмини давлат Сифат белгиси билан чиқарган.

Ўзбекистон ССР маҳаллий саноат министрлиги ва республика бинокорлик материаллари саноати министрлигининг, Наманган областининг, Тошкент парфюмерия-косметика фабрикаси ва Тошкент «Компрессор» заводининг, Ўзбекистон ССР маҳаллий саноат министрлигига қарашли Чуст бадиий буюмлар фабрикасининг, Наманган гўшт комбинатининг, Каттақўрғон ёғ комбинатининг халқ истеъмол қиладиган моллар ишлаб чиқариш соҳасидаги яхши иши қайд этилди.

Бир қанча асосий кўрсаткичларни бажармаганликлари сабабли иккинчи кварталдаги иш якунлари юзасидан Ўзбекистон ССР министрликлари ва идораларига, Қорақалпоғистон АССРга, областларга ва Тошкент шаҳрига кўчма Қизил байроқлар берилмади.

БУЮК ҒАЛАБАНИНГ 40 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

ХОТИРА ВАХТАСИДА

Тошкентдаги 1-уйсозлик комбинатининг меҳнаткашлари Улуғ Ватан урушида қозонилган ғалабанинг 40 йиллиги шарафига қабул қилинган социалистик мажбуриятларнинг бажарилишига салмоқли ҳисса қўшдилар. Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Исмоил Орипов ва Анатолий Шабанов бошлиқ формовкачилар илғор бригадалари хотира вахтасида яхши натижаларга эришмоқдалар. Улар коллектив меҳнатининг ягона наряд асосидаги афзалликларидан фойдаланиб, вахта бошидан бўён топшириқдан ташқари шаҳар қурилишларига ўн куб метр йиғма темир-бетон жўнатдилар.

Уй-жойларни монтаж қилиш учун панеллар ишлаб чиқараётган комбинатнинг кўпгина комсомол-ёшлар коллективлари ҳар бир иш жойида меҳнат унумдорлигини ошириш ва маҳсулот сифатини яхшилаш резервларини қидириб топишни кучайтириб юбордилар.

(ЎзТАГ).

ХОТИН-ҚИЗЛАР ЎРТАСИДА АКТИВРОҚ ИШ ОЛИБ БОРИЛСИН

Республикада тузилган хотин-қизлар ўртасида ишлаш кенгашлари кўпгина фойдали ишлар қилишди. Улар меҳнаткаш аёлларга медицина, маданий хизматни яхшилашга интилмоқдалар, уларнинг малакасини ошириш, юксак унум билан меҳнат қилишлари учун зарур шарт-шароитларни яратиш ҳақида ғамхўрлик қилмоқдалар.

Хотин-қизлар ўртасида ишлаш республика кенгашининг 17 август куни бўлиб ўтган мажлисида Тошкент шаҳридаги истиқомат жойларида хотин-қизлар ва болалар ўртасида ишлаш, Наманган областида хотин-қизларнинг меҳнат ғайрати ва сиёсий активлигини ошириш ҳақидаги ахборотлар тингланди.

Мажлис қатнашчилари ижобий натижаларни қайд этиш билан бирга камчиликларни ҳам кўрсатиб ўтдилар. Кенгаш хотин-қизлар ўртасида ишлашни янада яхшилаш, уларни ижтимоий фойдали меҳнатга янада активроқ жалб этиш юзасидан тавсиялар қабул қилди. КПСС Марказий Комитетининг 1983 йил июнь Пленуми қарорлари асосида ғоявий-тарбиявий ишни ҳамма жойда кучайтириш, Ўзбекистон ССР билан Ўзбекистон Компартияси ташкил топган кунинг 60 йиллигига тайёргарликда хотин-қизларнинг актив қатнашиши зарурлиги уқтириб ўтилди.

(ЎзТАГ).

КАСБГА МЕҲР

● ГАВҲАР Эргашева Бўка районидаги «Ленинобод» колхозининг ёш сут соғувчиларидан бири. Шунга қарамай Гавҳар қарамоғидаги соғин сигирлардан мўл ва серқаймоқ сут соғиб олиб ҳамкасбларн ўртасидаги мусобақада пешқадамлик қилаётир. Йилдан-йилга говмушлар маҳсулдорлигини кўпайтириб бораётган бу соғувчи юбилей йилида янада баракали меҳнат қилишга аҳд қилган. Айни кунларда у ўзига бириктирилган сигирларнинг ҳар биридан 9—10 килограммдан сут соғиб олишга эришмоқда.

Ҳ. Аввалов фотоси.

ИЛҒОРЛАР САФИДА

АБДУЛЛА Тўлаганов Оққўрғон районидаги Ҳамид Олимжон номли колхознинг 5-бригадасига етакчи этиб тайинланганига эндигина тўрт йил бўлди. Лекин мана шу қисқа давр ичида илғорлар қолоқ бўлган бригада илғорлар сафига чиқиб олди. Бунда бригадирнинг хизматлари катта. Ўзининг тадбиркорлиги, меҳнатсеварлиги, талабчанлиги билан у кўпчилик ўртасида обрў-эътибор топди. Коллектив аъзолари ҳам унга эргашиб меҳнат қилиб, ҳосилдорликни кескин кўпайтириб бормоқдалар.

Юбилей йилида бригада пахтакорлари 105 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 50 центнердан «оқ олтин» йиғиштириб олиш ташаббуси билан чиқишган.

— Раҳбар ишбилармон бўлса, ишда силжиш бўлади, деганлари тўғри экан, — дейди бригада механизатори Жўра Тошқулов. —Абдулла ана шундай бригадирлардан. У доимо бизга энг зарур маслаҳатларни ва кўрсатмаларни беради. Шу туфайли ғўзаларимиз баравж ривожланмоқда. Ҳар тупида 12 тагача кўсак санаш мумкин.

Бригадирнинг ташаббуси билан юбилей йилида бригада пахтакорлари етиштирилган ҳосилнинг 90 процентини машиналар ёрдамида йиғиштириб олишга аҳд қилдилар. Шу мақсадда ғўзаларни чеканка қилишга ва машинабоп қилиб ўстиришга алоҳида аҳамият берилмоқда. Айни кунларда ғўза қатор ораларига сўнгги бор ишлов бериш билан бригаликда шарбат усулида суғориш давом этяпти.

П. ЭРГАШЕВ.

ЭРНСТ ТЕЛЬМАНГА БАҒИШЛАНАДИ

«Эрнст Тельманнинг ҳаёти. Суратлар ва ҳужжатлар» — немис халқининг шонли фарзанди, халқаро ишчилар ҳаракатининг атоқли арбоби тўғрисидаги ана шу тўпламни ГДР миллий кутубхонаси Ўзбекистоннинг Навоий номли кутубхонасига тухфа қилди. Бу китоб тошкентлик библиографлар учун айниқса азиздир, чунки илгари у Тельманнинг қизи — Ирманинг қўлида сақланаётган эди.

Китоб Эрнст Тельманга бағишланиб Тошкентда нашр этилаётган тўпламни бойитди. Бу тўпламда кўплаб асар — Германия пролетариати йўлбошчиси, эҳтиросли антифашистнинг мақолалари, нутқлари, брошюралари, шунингдек унга бағишланган китоблар бор. Навоий номидаги кутубхонада Эрнст Тельман ҳаёт вақтида нашр этилган унинг асарлари — «Халқ революциясининг вазифалари», «Германия Компартияси ва янги революцион юксалиш» асарларининг нодир нусхалари сақланмоқда. Бу асарлар 1929—31 йилларда Германияда, шунингдек Москва ва Ленинградда нашр этилган эди.

(ЎзТАГ).

ЖАҲОН ТАШВИШЛАНМОҚДА, ЖАҲОН ҒАЗАБЛАНМОҚДА

АҚШ президенти Р. Рейганнинг душманликдан иборат ҳуружи муносабати билан жаҳон ташвишга тушиб қолди. Бу ҳуруж Вашингтон маъмуриятининг бошлиги уруш ва тинчликнинг энг муҳим масалаларига масъулиятсизлик билан муносабатда бўлаётганлигини фош этди. Шу муносабат билан эълон қилинган ТАСС баёнотида аниқ-равшан айтиб ўтилганидек, Совет Иттифоқида АҚШ президентининг СССРга нисбатан мисли кўрилмаган душманликдан иборат ва тинчлик учун хатарли луқмасини қоралайдилар. Вашингтондагилар бунга жавобан АҚШ давлат департаментининг баёнотини эълон қилишдан тузукроқ ҳеч нарса топа олмадилар. Давлат департаментининг баёнотида даъво қилинишича, гўё Совет—Америка музокараларидан... бўйин товлаш учун ТАСС баёноти берилган эмиш. Ядровий қуролсизланишга доир. Женева музокараларини барбод этган, космос ҳарбийлаштирилишининг олдини олиш билан боғлиқ масалалар муҳокама этилишини бойкот қилаётган, химиявий қуролни тақиқлаш тўғрисидаги масаланинг ҳал этилишига тўсқинлик қилаётган, ядро қуролига эга бўлган давлатларнинг хулқ-атвор кодексига тааллуқли совет таклифларини қабул қилишдан бош тортаётган маъмурият шундай гапни даъво қилганлиги кишини ажаблантиради. Айни мана шу маъмурият гўё у эмас, балки Совет Иттифоқи музокаралардан бош тортмоқда, деб айтмоқда. Бу ҳақиқатан ҳам қорани оқ қилиб кўрсатиш йўлидаги андишасизларча уринишдир.

АҚШ давлат департаментининг даъволари енгилтак ва субутсиз сиёсатдонларга мўлжалланган. Бундай гирт ёлғон баёнотлар билан президент Рейганнинг мисли кўрилмаган андишасизлиги яширилиб бўлмайди.

● ВАШИНГТОН. Оқ уй ҳозирги хўжайининнинг масъулиятсизларча феъл-атвори маъмуриятнинг юқори доираларида саросималик уйғотди. Журналистларнинг хабар қилишларича, Рейганнинг маслаҳатчилари уларга ёпирилаётган шу ерлик ва ажнабий журналистлардан ҳамон ўзларини олиб қочиб, уларни давлат департаментига рўпара қилмоқдалар, давлат департаменти эса журналистларни яна Оқ уйнинг матбуот хизматига жўнатмоқда. Демократик партиядан АҚШ вице-президенти лавозимига номзод Ж. Ферарохоним президентнинг «даҳшатли қилиғи»ни қоралади. У уруш ва тинчлик масалалари ҳазил қилиш мавзуи бўла олмаслигини айтди. Негр арбоби Ж. Жексон Рейганни қаттиқ танқид қилиб, бундай деди: «Президент Рейган Совет Иттифоқини бомбардимон қилиш тўғрисидаги қилиғи учун кўпчилик олдида узр сўраши керак, республикачилар партияси эса бу гапни қоралаб чиқиши лозим». Жумладан шу масала хусусида радио орқали эшиттирилган турли суҳбатларда кўпгина оддий америкаликлар ҳам зўр хавотирлик билдирмоқдалар. Американликлар СССР элчихонасига қўнғироқ қилиб, Рейганнинг қилиғини қораламоқдалар ва ўз мамлакат президентининг хулқ-атвори учун кечирим сўрамоқдалар.

● ЛОНДОН. «Дейли телеграф» газетаси қуйидагиларни таъкидлайди: «шу нарса мутлақо равшанки, ҳозир америкадагилар президентнинг эс-ҳуши жойида эканлигини шубҳа остига қўя бошладилар. Унинг «СССРни бомбардимон қила бошлаш» тўғрисида айтган гаплари — бир қанча «нохуш воқеалар»нинг биригина бўлиб, уларни ҳатто Оқ уйдаги кўпгина расмий шахслар ҳам сайлов олди кураши шароитида ниҳоятда номатлуб воқеалар деб баҳолмоқдалар.

● ТОКИО. «Иомиури» газетаси президент «оғзидан гуллаганлиги» — илгариёқ Рейган маъмурияти томонидан расмий равишда таъриф-ланган фикр-мулоҳаза ва кайфиятларнинг навбатдаги кўринишидир, деб ёзади.

● БЕРЛИН. АҚШ президентининг иғвогарлик гаплари дунёда қаҳр-ғазаб тўлқинини кучайтириб юборди, деб ёзади «Нойес дойчланд» (ГДР) газетаси. Рейганнинг қилиғи Америка сиёсатини бошқариб бораётган кимсалар мутлақо масъулиятсиз ва авантюрачи эканликларини кўрсатмоқда. Рейган ҳозирги вақтда Вашингтоннинг ядровий тутқинлари бўлиб қолган ГФР ва НАТОга аъзо бўлган Ғарбий Европадаги бошқа мамлакатларнинг аҳолиси учун хавф-хатар қанчалик катта эканлигини ошкора андишасизлик билан намойиш этди. Ана шу давлатлардаги миллионлаб кишилар Америкаларнинг янги ядровий ракеталари жойлаштирилиши дарҳол тўхтатилишини ва ҳозирдаёқ ўрнатилган системалар олиб чиқиб кетилишини талаб этиб, ўзларининг яшаш ҳуқуқини қаттиқ туриб ҳимоя қилмоқдалар. Совет Иттифоқи билан бошқа социалистик мамлакатларнинг таклифлари ҳам худди шу мақсадларни кўзлайди. Масъул ташаббусларни амалга ошириш, Вашингтондаги ядровий қуролпарастларни жиловлаш нақадар муҳим эканлиги бугунги кунда айниқса равшан бўлиб қолди.

(ТАСС).

ЯГОНА СИЁСИЙ КУН

ИНСОН ТЎҒРИСИДА ҒАМХЎРЛИК ПАРТИЯ ФАОЛИЯТИНИНГ ОЛИЙ МАҚСАДИДИР

БОЙЛИК—МЕҲНАТДАН

Дала шийпонига тўпланган 8-бригада аъзолари тушлик қилиб бўлганларидан сўнг колхоз раиси, район партия комитетининг аъзоси С. Саймоқов бутун областимиздаги барча меҳнат коллективларида ягона сиёсий кун ўтказилаётганлиги, унда халқ турмуш фаровонлигини ошириш масалалари ҳақида гап боришини айтди.

— Турмуш фаровонлигимизни янада оширишнинг манбаи меҳнат, унинг натижаларидир, — деди раис суҳбатни бошлар экан. — Ўтган йили пахта, бошқа экинлардан юқори ҳосил олганлигимиз туфайли яхши даромад қилдик. Бу хўжаликда кенг кўламда қурилиш ишлари олиб бориш имконини берди. Фарзандларимиз учун 1176 ўринли замонавий мактаб бинои бунёд қилдик. Ҳозир 300 ўринли пионер лагери қурилиши ниҳоясига етмоқда.

Аввалги ягона сиёсий кунда сизлар колхозда ҳали доимий ишлайдиган боғчалар етишмаслигини айтган эдингиз. Колхоз правлениесида бу масалани кўриб чиқдик. Ҳозир 300 ўринли болалар боғчаси қурилишига киришяпмиз.

Турар-жой қурилишини ҳам давом эттирамиз. Айниқса, кооператив уйлар кўпроқ қурилади. Ҳозир улардан 15 таси қад кўтармоқда.

Белгиланган катта социал программаларни амалга ошириш учун янада ғайрат билан меҳнат қилиш керак. Бу йил 610 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 50 центнердан «оқ олтин» ҳосили олишга сўз берганмиз. Далаларимизда шунга яраша мўл ҳосил тўпланмоқда. Аммо, ҳозирги кунларда бирор дақиқа хотиржамликка бериб бўлмайди. Ғўза парваришини қизғин давом эттириш билан биргаликда пахта теримига ҳам пухта тайёргарлик кўришимиз лозим. Давлатга қанча кўп юқори сифатли пахта топширсак даромадимиз шунча кўпаяди. Бу янада кўпроқ қурилиш қилиш, колхозчилар моддий фаровонлигини ошириш имконини беради.

Раис суҳбатини тугаллагандан сўнг бригада аъзоси Зеби Абдуғаффорова дала шийпонига водопровод келтирилмаганлиги, бу маълум қийинчиликларни туғдираётганлигини айтди. Ягона сиёсий кун қатнашчилари, шунингдек, «Маданият» участкасидаги магазин бир ойдан бери берк турганлигини айтишди.

Сиёсий докладчи колхозчилардан тушган бу саволлар дарҳол тегишли ташкилотларга етказилишини маълум қилди.

М. ПОРСИХОНОВ,
Бўка райони, «Коммунизм» колхози.

ТАКЛИФЛАР ЭЪТИБОРСИЗ ҚОЛМАДИ

— Навбатдаги ягона сиёсий кун арафасида олдинги ягона сиёсий кунларда ишчилардан тушган таклиф ва мулоҳазалар қандай бажарилаётганлигини бир-бир кўздан кечириб чиқдик, тегишли ташкилотлардан келган жавобларни умумлаштирдик, — дейди Тошкентдаги «Қизил тонг» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси партия ташкилоти секретарининг ўринбосари Наталья Матвеевна Вяткина. — Таклифлар ўринли бўлганлиги учун ҳам уларнинг кўпчилиги бирин-кетин амалга ошаяпти. Мана энди ягона сиёсий кунлар ниҳоятда фойдали тадбир эканлигини ҳамма дилдан ҳис этяпти. Юзма-юз бўлаётган мулоқотларда ишчилар ўз кўнгилларидаги таклифларни баён этмоқдалар, ишлаб чиқаришни ривожлантиришга маълум даражада ҳисса қўшяптилар.

Июнь ойида бўлиб ўтган ягона сиёсий кунда ишчиларнинг икки кунлик дам олишини ташкил этиш зарурлиги уқтирилган эди. Бу таклиф енгил саноат ходимлари касаба союзи область комитети томонидан ўрганилди. Комитет сентябрь ойидан бошлаб бирлашма тикувчилари учун махсус йўлланмалар ажратадиган бўлди.

Бир группа ишчилар шаҳар четидан дала ҳовли учун ер ажратиб беришни илтимос қилдилар. Шу таклиф бўйича Чирчиқ дарёсининг сўл соҳилидан 8 гектар ер участкаси ажратилди. Ҳозир у деҳқончиликка ҳавасманд ишчиларга бўлиб берилянти. Келажакда бу ерда ям-яшил боғ-роғлар ва экинзорлар пайдо бўлади. Ишчилар бўш соатларини ўз томорқаларида ўтказадилар.

Июль ойида бўлиб ўтган ягона сиёсий кунда Болгар огороди массивига қатнайдиган транспорт ишини яхшилаш зарурлиги эслатилган эди. Шу таклиф бўйича «Ташпассавтотранс» трести, Тошкент трамвай-троллейбус бошқармаси раҳбарлари массивда янгидан диспетчерлик пункти очдилар. Транспорт ҳайдовчилари билан махсус йиғилишлар ўтказилди. Кўрилган тадбирлар туфайли массив томон транспорт қатнови яхшиланди.

— Бирлашмамизнинг Акмал Икромов районидаги пионерлар лагери эшиги олдида пивохона очилибди, — дейишди ишчилар. — Пивохона ўз ўрнини топмабди. Уни бошқа томонга, лагердан узоқроқ жойга кўчириш керак.

Бу таклиф тезда қондирилди. Пивохона пионерлар лагеридан узоқроқ жойга кўчирилди.

Бирлашма учун филиал зарурлиги ҳам ягона сиёсий кунда тилга олинди. Шу таклиф бўйича Калинин районидаги «Партия XXI» съезди совхози территориясида филиал қуришга қарор қилинди. Қурилиш учун 2 гектар ер ажратилди.

Ягона сиёсий кунларда тикувчиларнинг иш ва турмуш шароитини яхшилашга қаратилган таклифлар ҳам кўп бўляпти. Шу таклифлар асосида корхонада маданий-маиший, савдо, медицина хизмати тобора яхшиланиб бормоқда, ишчиларнинг турмуш фаровонлиги ошмоқда. Бирлашма пионер лагерида ҳозир 1200 ўғил-қиз ҳордиқ чиқаряпти. Иккита болалар боғчаси ва яслиси қурилган. Яқинда ошхона қайта реконструкция қилинди. Кулинария, ярим тайёр масаллиқлар билан савдо қилувчи дўконлар очилди. Энди сабзавот маҳсулотлари билан савдо қилинадиган дўкон қуриляпти. 272 ўринли ётоқхона ҳам ҳадемай фойдаланишга топширилади. Санаторий — профилакторийимиз 100 ўринга кенгаяди.

Ғамхўрликка жавобан ишчилар ғайрат билан меҳнат қилмоқдалар. Улар ўтган ойларда планга қўшимча 1 миллион сўмликдан кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқаришга ва реализация қилишга муваффақ бўлдилар.

Ж. НОСИРОВ.

ЯГОНА СИЁСИЙ КУН ҚАТНАШЧИЛАРИНИНГ САВОЛЛАРИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МИНИСТРЛИГИГА

Совхозда водопровод тармоқлари ўтказиш, маданий-маиший объектлар қуриш, хўжаликни электр энергияси билан таъминлашда ёрдам кўрсатилишини сўраймиз.

(Коммунистик районидаги У. Юсупов номли совхоз ишчилари).

ВАСХНИЛ ЎРТА ОСИЕ БЎЛИМИГА

Республикамиз сабзавотчилик хўжаликларида ишлатишга ихтисослаштирилган машиналар қачон яратилади?

(Ўзбекистон сабзавот-полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институти ходимлари).

ОБЛАСТЬ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БОШҚАРМАСИГА

Кўкорол массивидаги ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашда ёрдам кўрсатилишини сўраймиз.

(Бўка райони меҳнаткашлари).

ОБЛАСТЬ МАТЛУБОТ СОЮЗИГА

Кейинги пайтларда умумий овқатланиш шахобчаларида кафелар кўпайиб кетди. Улардаги таомларнинг нархи қиммат. Аммо кафелар ифлос, тайёрланаётган овқатлар сифати талаб даражасида эмас. Бу камчиликлар қачон бартараф этилади?

(Олмалиқ шаҳри меҳнаткашлари).

«УЗГИПРОСЕЛЬХОЗ» ЛОЙИҲА ИНСТИТУТИГА

Совхоз-техникумимизда турар-жойлар, мактаблар, санаторий-профилакторий қурилиши мўлжалланган. Бу объектлар учун лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаб беришни тезлаштиришни илтимос қиламиз.

(Чиноз районидаги «Чиноз» наслчилик совхоз-техникуми коллективи).

ЎЗБЕКИСТОН ССР МЕЛИОРАЦИЯ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ МИНИСТРЛИГИГА

Шаҳардаги уйларда қишда совуқ бўлади. Министрлик бош планда кўзда тутилган магистрал газопроводни қачон қуради?

(Наримонов шаҳри аҳолиси).

ОБЛАСТЬ АГРОСАНОАТ БИРЛАШМАСИГА

Совхозимизда чорвачилик комплекси қурилишида кўмаклашишни сўраймиз.

(Оққўрғон районидаги «Оққўрғон» совхозининг ишчилари).

ЎЗБЕКИСТОН ССР БИНОКОРЛИК МАТЕРИАЛЛАРИ МИНИСТРЛИГИГА

Шаҳар қурилиши учун панелларни узлуксиз етказиб бериш қачон таъминланади?

(Бекобод шаҳри қурувчилари).

ОБЛАСТЬ ПАССАЖИРЛАР ТАШИШ ТРЕСТИГА

Паркент автотранспорт парки томонидан Коммунистик районидаги аҳоли пунктларига хизмат кўрсатаётган транспорт иши яхшиланишини сўраймиз.

(Паркент райони аҳолиси).

Паркент районидаги «Гулбоғ» совхози бригадалари ва фермасида навбатдаги ягона сиёсий кун уюшқоқлик билан ўтказилди. Сиёсий докладчилар деҳқон ва соҳибкорларга, чорвадорларга партия ва ҳукуматимизнинг совет халқи турмуш фаровонлигини ошириш соҳасида амалга ошираётган тадбирлари ҳақида гапириб бердилар.

Суратда: совхоз партия ташкилотининг секретари М. Муротов (ўртада) ягона сиёсий кун олдидан хўжалик мутахассислари билан ўзаро фикр алмашмоқда.

В. Портнов фотоси.

ТАШВИШЛИ СИГНАЛ

СУҲБАТ ЎТКАЗИЛМАДИ

Ўтган куни Наримонов шаҳридаги «Юбилейний» йирик панелли уйсозлик заводида смена тугашидан аввал бўлганимизда бу ерда бугун ягона сиёсий кун ўтказилиши тўғрисида ҳеч ким тасаввурга ҳам эга эмаслигининг гувоҳи бўлдик.

— Бу тадбир билан партия ташкилотининг секретари Т. Н. Речич шуғулланади, — деди бамайлиҳотир завод директори Р. Р. Эргашев бизга. — Афсуски, у ҳозир бетоб.

Директорнинг бу гапи бизни таажжубга солди. Ахир партия ташкилотининг секретари бетоб бўлса, шундай муҳим тадбир ўтказилмай қолаверадими? Корхона раҳбарининг ўзи коллективи аъзолари билан учрашса бўлмайдими? Заводдаги ишнинг аҳволи буни, айниқса, тақозо этади. Чунки, корхонада шу йилнинг етти ойлик плани бирор кўрсаткич бўйича бажарилгани йўқ. Ягона сиёсий кунда шулар тўғрисида коллектив билан рўйрост гаплашиб олиш мумкин эди-ку!

Бу масалада Урта Чирчиқ район партия комитетининг тутган йўли ҳам таажжублидир. Аввалги ягона сиёсий кунда заводга район партия комитетининг сиёсий докладчиси юборилган эди. Бу сафар эса меҳнаткашлар билан суҳбат ўтказишни корхона раҳбарларининг ўзига топшириб қўя қолишибди. Аммо район партия комитетида ягона сиёсий кунни ким ўтказиши билан қизиқиб ҳам кўришмабди. Натижада ўтган куни заводда суҳбат бўлмади.

Р. АҲМАДАЛИЕВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

РЕДАКЦИЯГА КЕЛГАН ЖАВОБЛАР

АВВАЛГИ бўлиб ўтган ягона сиёсий кун қатнашчиларидан тушган қатор саволлар тегишли партия, совет органлари, мутасадди ташкилотларга юборилган эди. Улардан айримларига олинган жавобларни диққатингизга ҳавола қиламиз.

САВОЛ: «Ташоблгаз» колхозимизни табиий газ билан таъминлашни чўзиб юборяпти. Газ тармоғи қурилишининг тезлаштирилишини сўраймиз.

Бўстонлиқ районидаги Карл Маркс номли колхоз аъзоларининг бу саволига **«ТАШОБЛГАЗ» бошлиғи Б. С. РАҲИМОВДАН** қуйидаги жавобни олдик:

«Ташоблгаз» бирлашмаси Бўстонлиқ районидаги К. Маркс номли колхоз территориясидаги хонадонларни табиий газ билан таъминлаш ишларини олиб боряпти. Шу кунгача бу ерда 4 минг 600 метр узунликда газ қувурлари ётқизиш ишлари олиб борилди. Табиий газдан болалар боғчаси фойдалана бошлади.

1984 йилда 2 километр масофадаги хонадонларга табиий газ ўтказиб бериш планлаштирилган. Газ аҳолидан тушган аризалар асосида навбат билан ўтказилади. Йил охиригача 40 та хонадонни газлаштириш мўлжалланган.

САВОЛ: Тошкент район марказий касалхонаси қошида қурилаётган сут таомларни ошхонасини фойдаланишга топширишнинг тезлаштирилишини илтимос қиламиз.

Тошкент район марказий касалхонасидан тушган бу саволга **область соғлиқни сақлаш бўлимининг бош инженери ўртоқ В. Г. СЕРЕБРЯКОВ** қуйидаги жавобни берди:

— Тўғри. Тошкент районидаги марказий касалхона ҳузуридаги сут таомлари ошхонаси қурилиши учун 191 минг сўм маблағ республика бюджетидан ажратилган эди. Ўтган 1983 йилда бу маблағнинг 53 минг сўми ўзлаштирилди. Бу ошхона ишга тушгач, бир кечакундузда 2500 порция сут маҳсулотлари тайёрлаш имконига эга бўлади. Ошхона қурилишига Ўзбекистон ССР Қишлоқ қурилиши министрлигининг 23-қурилиш трести бош пудратчи, область ижроия комитетининг капитал қурилиш бошқармаси эса буюртмачи этиб тасдиқланган.

Етарли капитал маблағ бўлмаганлиги учун сут таомлари ошхонаси қурилишини тугаллаш 1984 йил планида кўзда тутилмаган.

ОЗИҚ-ОВҚАТ ПРОГРАММАСИ—УМУМХАЛҚ ИШИ





● Суратларда: (юқорида) ғозчилик комплексининг умумий кўриниши; бинолар-нинг ёнгинасида ғозлар учун кичик сув ҳавзалари ҳам яратилган (пастда).

Муаллиф фотолари.

ҚУРИЛМОҚДА ВА МАҲСУЛОТ БЕРМОҚДА

ТОШКЕНТ халқа йўли ёнгинасидаги катта тахтага: «Бу ерда ғозчилик комплекси бунёд этилади. Бош пудратчи «Узколхозстрой» бирлашмасининг Тошкент трестига қарашли 57-колхозлараро механизациялашган кўчма колоннаси...» деб ёзиб қўйилган.

Гарчанд бу территорияда ғозчилик комплекси барпо этиш ғояси туғилганидан бери анча вақт ўтган бўлсада, лекин бу ерга қурувчилар дастлаб қадам қўйганларига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. Комплексда бунёдкорлик ишлари 1982 йилнинг баҳорида — май ойида бошланди, аниқроғи чегараларга қозиқ қоқилди. Шундан сўнг қудратли техника пасту-баланд адирларда ишлай бошлади. Бироқ, шуни ҳам айтиш керакки, ўжар қирлар осонликча таслим бўлгани йўқ.

Бу ҳақда колонна бошлиғи, коммунист Аҳад Комилов шундай дейди:

—Ҳалқимиз азалдан ҳар қарич ерни тиллага тенглайди. Лекин асрий уйқуда ётган мана шу ерни текислаб, бино учун пойдевор қўйгунга қадар амалга оширилган ишларни бирма-бир санаб ўтиш қийин. Комплексда иш бошлаганимиздан буён ўтган икки йилдан сал кўпроқ вақт ичида фақат колоннамиз коллективининг ўзи 2 миллион сўмликдан зиёдроқ капитал маблағ ўзлаштирди. Шу даврда умумий майдони 25 минг квадрат метрга яқин қувват ишга туширилди. Бошқача қилиб айтганда ҳар бири 180 мингта жўжага мўлжалланган учта, ҳар бирига 6 мингта она ғоз сиғадиган иккита корпусни, инкубаторий, қозонхона, канализация — насос станциясини, суткасига 1000 кубометр сув йиғадиган минораси, умумий майдони 2500 квадрат метрни ташкил этган омборхоналарни ва 30 тонналик тарозини қуриб фойдаланишга топширдик. Ҳозир комплекс маҳсулот беряпти. Айни пайтнинг ўзида объект қурилиши жадал суръатлар билан давом эттириляпти.

... Биз ҳикоя қилаётган иншоотнинг кўлами ҳақида маълум даражада тасаввурга эга бўлиш учун қуйидаги фактларни келтириш мумкин. Комплекснинг лойиҳа-смета қиймати 6,5 миллион сўм бўлиб, шундан 5040 минг сўмини қурилиш-монтаж ишлари ташкил этади. Бу ерда жами 1 миллион 460 минг сўмлик ҳар хил технологик ускуналар ўрнатилади. У тўла қувват билан ишга тушгач, йилига 200 тонна юқори сифатли парҳез гўшти ва кўплаб тухум етиштириладиган бўлади.

Қурилиш объектларида бўлганимизда қизғин меҳнат устидан чиқдик. Техника ва барча механизмлар бир маромда тўхтовсиз ишлаяпти. Қурилиш материаллари ва зарур йиғма темир-бетон конструкцияларини етказиб беришда ҳам жиддий узилишлар кузатилмади. Бу ерда ўхкм сураётган ўзаро ҳамкорлик, ташкилотчилик ва ташаббускорлик объект қурилиши графикдан ўзиб давом этишини таъминлаяпти.

Корхона қурилишида 40 нафар ишчидан иборат иккита комплекс комсомол-ёшлар бригадаси фидокорона меҳнат қилишяпти. Участка бошлиғи Шароф Юсуповни қурувчиларга топшириқ бераётган пайтда учратдик.

—Аввало шуни айтиш керакки, — дейди участка бошлиғи Ш. Юсупов — биз ишни мусобақа асосида ташкил этганмиз. Бу эса эришилаётган барча ютуқларимизнинг асосий омили бўлаяпти, десак ҳато қилмаймиз. Объектларни планда белгиланган муддатда ишга туширкш учун бошланган курашда Ҳожиакбар Самсоқов ва Нурилла Назировлар етакчилик қилаётган комплекс комсомол-ёшлар бригадалари аъзолари жонбозлик кўрсатишяпти. Улар ўзаро мусобақадош. Ишда бир-биридан қолишмайди. Ҳар ҳолда Ҳожиакбар ўз ҳамкасбига қараганда бироз тажрибалироқ. Қурилишга Нурилладан анча илгари келган. Шу боисдан ҳам бу бригада мусобақада бироз олдинда боряпти. Лекин улар ўз тажрибаларини ўртоқлашишга, бошқа коллективларга ёрдам беришга вақт аямайдилар.

Бу иккала коллектив комплекс қурилиш бошланганидан буён бирга ишлаяпти. Бригаданинг барча аъзолари сергайрат ёшлар. Уларнинг ҳар бири 2—3 тадан турдош касбни мукаммал эгаллашган. Зарурат туғилган тақдирда у ёки бу ҳамкасбларининг вазифасини қийналмай бажараверишади. Улар доим юксак кўрсаткичларга эришишларида ана шу омил катта ёрдам беряпти.

— Участкамиз бўйича ўн биринчи беш йилликнинг тўртинчи йилида 280 минг сўмлик иш бажарилиши планлаштирилган эди, — дейди Ш. Юсупов. — Лекин олти ой ичидагина 450 минг сўмликдан кўпроқ қурилиш—монтаж ишлари ниҳоясига етказилди. Ҳозир уларда бир вақтнинг ўзида пардозлаш ва технологик асбоб-ускуналарни монтаж қилиш ишлари қизғин давом этяпти. Уларнинг уччаласини ҳам Улуғ Октябрь революцияси байрамига қадар тўлиқ фойдаланишга топширишни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйганмиз. Норматив план бўйича комплекс қурилишнинг ниҳоясига етказиш муддати 1985 йилнинг охирги кварталига белгиланган. Лекин биз ўз имкониятларимизни қайта кўриб чиқиб, уни камида уч ойга қисқартиришга қарор қилдик. Гапнинг қисқаси бунёдкорларимиз ҳозир барча имкониятларни ишга солиб, ўз ваъдаларининг устидан чиқишга интилишяпти.

Участка бошлиғининг гапида жон бор. Объектда иш қизғин. Қурилиш айни авжига минган, бинокорлик материаллари ҳам оз эмас. Бу албатта мақсадга эришиш учун барча имкониятларни яратади. Лекин ҳар қандай хайрли ишда ҳам бутун коллективнинг астойдил ҳаракати, интилиши, ташаббускорлиги ҳал қилувчи роль ўйнаши аниқ. Шу ўринда колхоз бунёдкорлари кўрсатаётган меҳнат активлиги таҳсинга сазовор бўлмоқда.

Бинокорлар ўртасидаги меҳнат беллашувида ғишт терувчилардан Исроил Одилов, Олдиёр Арапов, бетончилардан Энвер Меметов, Алланазар Холиқов, Абдухалил Каримов, сувоқчилардан Рихсивой Муслимов, дурадгорлардан Абдуолим Умаров, электр пайвандчилардан Маъмур Аширбоев, монтажчилардан Саъдулла Асадов каби илғорлар яхши ишлашяпти.

—Сўнгги йилларда областимизнинг ғозчилик тармоғига ҳам асос солинди, — дейди бош экономист Қалдибек Тулепов. — Озиқ-овқат программасини муваффақиятли бажариш, районимиз ҳамда Тошкент шаҳри аҳолисининг парҳез ғоз гўштига бўлган талабларини қаноатлантириш мақсадида 1983 йилнинг бошларида бу ерда жўжалар учун мўлжалланган дастлабки учта корпус ишга туширилди. Ушанда 36 минг бош ғоз жўжасини сотиб олдик. Парваришга зўр берилгач улар тез етилди. Орадан 2—3 ой ўтгач, тухум етиштирила бошланди. Ортиқча ҳаражатлар қилмай тухумларни инкубаторийда ушлаб, жўжа чиқарилга киришдик. Ҳар гал 15 минг дона тухум инкубаторийга жўнатилди. Шу тариқа йил охирига бориб ғозлар 55 мингтага етди. Йил давомида эса давлатга 200 минг донадан кўпроқ тухум ва 100 тоннадан зиёд парҳез ғоз гўшти етказиб берилди.

Шу йилнинг 6 ойи мобайнида 216 минг дона тухум ва 30 тоннага яқин гўшт топширдик. Бу белгиланган планга нисбатан анча кўп. Ҳозир 50 минг бош ғоз парвариш қилиняпти. Шулардан 35 мингтаси йирик ғозлардир. Ўтган олти ой ичида инкубаторий орқали 22 минг дона жўжа олдик. Шу тариқа йил охирига бориб боқилаётган ғозлар сонини 100 мингтага етказишга аҳд қилганмиз.

Калинин районидаги «Хасково» совхозининг территориясида адирлар орасидаги деҳқончилик учун яроқсиз ташландиқ ерларда район матлубот жамиятларининг буюртмасига биноан қад ростлаётган тухум ва гўшт етиштирадиган ғозчилик комплекси ҳам қурилмоқда, ҳам маҳсулот бермоқда. Айни пайтда Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг шонли 60 йиллиги шарафига давом этаётган меҳнаткашларнинг умумхалқ социалистик мусобақасига қўшилган район колхоз қурувчилари эса ўз сўзларининг устидан чиқиш мақсадида бу объектда бир ғайратга ўн ғайрат қўшиб, астойдил меҳнат қилмоқдалар.

А. ЗОКИРОВ,
«Узколхозстрой» бирлашмаси матбуот марказининг мухбири.

ЎҚИШ—ИЖОДИЙ ИШ

Ивановолик тўқувчи Виноградовалар номидаги мукофот бу сафар тошкентлик тўқувчига берилди. Ш. Рашидов номидаги Тошкент тўқимачилик комбинатининг йигирувчиси, Фрунзе район Советининг депутати Валентина Эргашева шу мукофот лауреати бўлди. У янги машина-ускунани тезроқ ўзлаштириш учун тўқимачилар ўртасида социалистик мусобақани бошлаб берди ва ўз коллективида урчуқсиз станокларда нормада белгиланган 690 ўрнига 1200 камерада биринчи бўлиб хизмат қила бошлади.

Унда рекорд иш унумига эришиш ҳақидаги фикр инженер, уруш ва меҳнат ветерани С. Воднев бошчилик қилаётган марксизм-ленинизм асослари мактабида ўтказилган машғулотлардан бирида юзага келди. Улар меҳнат қилаётган К. Ҳасанов бошлиқ бригаданинг бутун состави пропагандист раҳбарлигида участкада ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг комплекс планини ишлаб чиқди.

Коллективда техника ўқиши ташкил қилинди, иш тажрибасини кенг ўртоқлашиш йўлга қўйилди. Шу туфайли бригада аъзоларининг кўпчилиги янги машина-ускуналарни қисқа муддатларда ўзлаштириб, лойиҳада белгиланган иш унумидан ошиб кетдилар. Йигирувчилар меҳнатда қатнашиш коэффициентини қўллаган ҳолда ягона наряд асосида ишлашнинг афзалликларидан тўлароқ фойдалана бошладилар. К. Ҳасанов бошлиқ бригада Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш учун тайёргарлик кўриб, йиллик топшириқни ана шу шонли санагача бажаришга сўз берди. Бригада йил бошидан буён пландан ташқари 25 тоннадан кўпроқ юқори сифатли калава ишлаб чиқарди.

Илғор бригаданинг кўпгина аъзолари 1985 йил ҳисобига маҳсулот топшира бошладилар. Тўқувчи Виноградовалар, мукофотининг лауреати В. Эргашеванинг календарида эса 1987 йилнинг охири бошланди.

(ЎзТАГ мухбири).



● «ТАШСЕЛЬМАШ» заводига қарашли 22-йиғув цехининг Ҳожимурод Хўжаев етакчилик қилаётган йиғувчилар бригадаси коллективи белгиланган топшириқларни мунтазам равишда ортиғи билан бажариб келишмоқда. Бригада ишчиларининг пудрат асосида иш юритишлари туфайли ойлик планлар 120 процентдан ошириб адо этиляпти.

Суратда: бригада йиғувчилари янги пахта териш машинасини монтаж қилишяпти.

М. Нуриддинов фотоси.

СОЦИАЛИЗМ МАМЛАКАТЛАРИДА

● БОЛГАРИЯ

Бургас округида Болгарияда биринчи марта маҳсулот сифатини бошқаришнинг территориал системаси яратилди. Сифат кўрсаткичларни режалаштириш, сифат жиҳатидан планнинг бажарилишини контрол қилиш ва таҳлил қилиш, стандартларга риоя қилинишини назорат қилиш, шунингдек кадрлар тайёрлаш шу системанинг вазифасидир.

БКП округ комитети ҳузуридаги жамоатчилик кенгаши СССРдаги ва бошқа қардош мамлакатлардаги корхоналарнинг тажрибасига таяниб, қисқа вақт ичида бир қанча истиқболли ташаббусларни амалга оширди. Хўжалик ташкилотларнинг тажрибасини мувофиқлаштириш шу кенгаш зиммасига юклатилган. Аввал фан ва техника ютуқларини жадал жорий этишга оид ҳужжатлар ишлаб чиқилди ва тасдиқланди, округдаги корхоналар бугунги кун талабларига мувофиқ тарзда ишлаб чиқаришни қайта қуришга киришди.

● ЧЕХОСЛОВАКИЯ

Чехословакия денгизга бевосита чиқиш имкониятига эга бўлмаса ҳам, кўпгина мамлакатларнинг портларида Чехословакия денгиз пароходчилигининг кемаларини кўриш мумкин. 25 йил муқаддам тузилган бу ташкилот мамлакат экономикасида энг катта ташкилотлардан бирига айланди.

Ҳозирги вақтда пароходчиликда турли типдаги 20 та юк кемаси бор. Бунга эса қардош давлатларнинг қалин ҳамкорлиги туфайли эришилди. Чунки Чехословакиянинг савдо флоти кемалари қўшни ГДР ва Польша портларининг гаванларида туради.

Пароходчиликнинг оператив штаби Прагада жойлашган. Шу кунларда бу ерга хушхабарлар келиб турибди. Денгизчилар Чехословакия Совет Армияси томонидан озод этилганлигининг 40 йиллиги шарафига қабул қилинган социалистик мажбуриятларини шараф билан бажараётганликлари тўғрисида рапорт бермоқдалар.

Денгизда пассажир ва юк ташиш ЧССРнинг ташқи савдо алоқаларини мустаҳкамлашга тобора кўпроқ самарали хизмат қилмоқда. Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатлар «Интерлихтер» халқаро кемачилик корхонаси ишида қатнашаётганлиги — республика денгиз флоти фаолиятининг энг муҳим йўналишларидан биридир. (ТАСС).

ЧЭТ ЭЛ ЯНГИЛИКЛАРИ

● БОЛГАРИЯ. Ловечкдаги «Балкан» машинасозлик комбинати ишлаб чиқараётган узеллар ва деталлардан Москвадаги Ленин комсомоли номли автозаводда кенг фойдаланилмоқда. «Балкан» билан КамАЗ, Львов автомобиль заводи, ЗИЛ каби йирик корхоналар ҳам алоқа боғлаган. Бу ерда айни пайтда мотоциклар, велосипедлар, мотокаралар учун узеллар ҳам тайёрланмоқда. Суратда: техник контроли бўлими ходими велоэргометрлар ишини текшириб кўряпти.

БТА—ТАСС фотоси.

ХАБАРЛАР ОҚИМИ

БОННГА:

РАҚОБАТЧИЛАРГА ТАЗЙИҚ ЎТКАЗИШ ВОСИТАСИ

Вашингтон ўтказаётган «жазо чоралари» ва камситиш сиёсати энг аввало Ғарбий Европа ва Япония мамлакатларини иқтисодий жиҳатдан заифлаштиришга олиб келмоқда. Шунинг учун ҳам Рейган маъмуриятининг Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатлар билан савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий алоқаларни тўхтатишга қаратилган йўли ГФР савдо-саноат ва сиёсий доираларининг тобора қаршилигига сабаб бўлмоқда. Вашингтоннинг қаттиқ тазйиқи остида экспорт товарлари ва технологиясини янада чеклаш тўғрисида яқинда НАТО қабул қилган қарор айниқса норозилик уйғотмоқда. ГСДП федерал секретари П. Глоц мазкур қарорни «АҚШ ўзининг иқтисодий рақобатчиларига тазйиқ ўтказиш учун фойдаланаётган восита» деб атади.

(ТАСС).

ЖЕНЕВА:

ҚУРОЛСИЗЛАНИШГА БАҒИШЛАНГАН КОНФЕРЕНЦИЯНИНГ ЯЛПИ МАЖЛИСИДА

Қуролсизланишга бағишланган конференциянинг ялпи мажлисида кун тартибининг «Ядровий қуролланиш пойгасини тўхтатиш ва ядровий қуролсизланиш» ҳамда «Космик фазода қуролланиш пойгасининг олдини олиш» мавзуидаги ғоят муҳим моддалари юзасидан музокаралар олиб бориш учун махсус ёрдамчи органлар тузиш тўғрисидаги масала кўриб чиқилди. Бироқ Ғарб мамлакатлари мазкур масала юзасидан ижобий қарор қабул этилишига тўсқинлик қилдилар.

Шу муносабат билан СССР делегациясининг бошлиғи В. Л. Исраэлян сўзга чиқиб, Ғарб давлатлари ядро урушининг олдини олиш ва қуролсизланишнинг энг муҳим проблемалари юзасидан музокаралар олиб боришни истамаётганликларини яна бир бор намойиш қилдилар, деб таъкидлади.

(ТАСС).

КАРАКАС:

ЭКОНОМИКА ТАНГ АҲВОЛДА

Венесуэлада чиқадиган «Диарио де Каракас» газетасининг ёзишича, АҚШ томонидан олинадиган пўлатга нисбатан янги чеклашлар амалга оширилиши натижасида мамлакат экономикаси кейинги пайтларда кескин зарбага дуч келди.

Маълумки, АҚШнинг халқаро савдо комиссияси президент Рейганга Америка Қўшма Штатларига Венесуэладан олинадиган пўлатга нисбатан янада қаттиқроқ тарифлар белгилаш чораси кўрилишини тавсия қилгандан сўнг бу мушкул аҳвол юз берди. Бунинг устига АҚШ ўз молларини Венесуэланинг ички бозорларига янада кўпроқ киритилишини талаб қилувчи янгидан янги шартлар қўймоқда. Газетанинг таъкидлашича, янги тарифлар ва бошқа сиқувлар мамлакат металлургия саноатида янги танглик юзага келиши ҳамда ташқи қарзларни тўлашни мушкуллаштириш хавфини туғдирмоқда.

ЛА-ПАС:

ПУЛ ҚАДРСИЗЛАНМОҚДА

Боливияда шу йилнинг бошидан буён пулнинг қадрсизланиши рекорд даражага етган. Бу ҳақда мамлакат молия министри Бонифас Гутьеррас матбуотда очиқдан очиқ хабар қилди. Ана шу давр мобайнида тўлов баланси дефицити юз миллиард песо - [47 миллион доллар]дан ҳам ортиб кетди.

Бу мушкул аҳволдан қутулишнинг бирдан бир йўли, деб таъкидлайди министр, меҳнат унумдорлигини кўтариш, саноат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини кўпайтириш, шунингдек, ҳукуматнинг четдан олган қарзини тўлашни маълум вақтгача тўхтатиб туришдан иборат. Империалист доиралар эса халқаро валюта фондини сурбетларча ишга солиб, иқтисодий жиҳатдан Боливияни яна ҳар томонлама исканжага олмоқда. Бу эса мамлакатни яна ҳам мушкул аҳволга дучор қилаётир.

ТЕЛЕПРОГРАММАЛАР

ДУШАНБА, 20. VIII

● МТ I

9.00 «Время».
9.40 Мультфильмлар.
10.20 «Уч денгиз чорраҳасида».Телефильм.
10.50 «Ёз мавсуми қўшиқлари». РСФСР халқ артисти Н. Кутузов раҳбарлигидаги МТ ва БР рус қўшиқлари академик хори иштирокида музикали кўрсатув.
11.40 «Оқ автомобиль», «Эмилбекнинг ёзи». Болалар учун қисқа метражли телевизион бадиий фильмлар.
12.25 Янгиликлар.

* * *

15.00 Янгиликлар.
15.20 «Сафдошлар». Телефильм.
16.10 Ўқувчиларнинг Совет Иттифоқи Қаҳрамони, авиация маршали С. И. Руденко билан учрашуви.
17.05 Болалар учун фильм. «Павел аралашмоқда». 1- ва 2-сериялар (ЧССР).
18.00 «Ярослав Галан». Телефильм.
18.30 Ўзбекистон бадиий коллективларининг концерти. Тошкентдан олиб кўрсатилади.
18.45 «Йўллар ва одамлар». «Ўз ишининг устасини тарбиялаш». Эстония ССР енгил саноат корхоналарида касб-ҳунар маҳоратини ошириш бўйича иш тажрибасидан.
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 Мультфильм.
19.45 «Виждоннинг вариантлари йўқ». Ғ. Камол номидаги Ленин орденли Татаристон Давлат академик театри фильм-спектаклининг премьераси. Автор — Т. Миннуллин.
21.30 «Время».
22.05 Халқаро Дўстлик мусобақаларида. Бадиий гимнастика. Сувга сакраш. Стендга отиш. Сузиш.
23.30 «Экран куйлари». Ленинград Давлат концерт оркестри ижро этади.
00.05 «Дунё воқеалари».
00.20 «Мусобақалар кундалиги».

● МТ II

18.30 Янгиликлар.
18.45 «Верховина» ансамблининг концерти. Львовдан олиб кўрсатилади.
19.30 «Совет Иттифоқига хизмат қиламан!».
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.45 «Халқаро панорама».
21.30 «Время».
22.05 «Бургут каби парвоз этинг, лочинлар». Бадиий фильм.
23.25 «Порох ва ўқ сатрлари». Ҳужжатли фильм премьераси.

● ЎзТВ I

18.00 Янгиликлар.
18.15 Мактаб ўқувчилари учун. «Бирга бўлсак ҳаммамиз» (рус.).
18.50 «Аваланг ва ластлар». Телефильм.
19.00 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Бурчга садоқат».
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 «Спорт ҳақида уч ҳикоя». Ҳужжатли фильм.
20.05 Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига. Рассомлар — Улуғ Ватан уруши қатнашчилари асарлари. Ўзбекистон Рассомлар Союзи кўргазма залидан репортаж (рус.).
20.30 «Ахборот».
20.50 «Дирижёр ҳикоя қилади». Кўрсатувни ЎзССР халқ артисти З. Ҳақназаров олиб боради.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Бугун оламда нима гап?» Халқаро аҳвол кундалиги.
22.20 «Макбет». К. Молчанов музикасига ёзилган балет. Самарқанд Давлат опера ва балет театрининг солистлари ижро этадилар.
23.55 Янгиликлар.

● ЎзТВ II

18.25 Кўрсатувлар программаси.
18.30 «Қизиқарли математика».
19.00 «Учиш майдони». Телефильм.
19.25 Врач маслаҳати.
19.40 «Инсониятга фойдали бўл». Ҳужжатли фильм.
20.00 Тошкент янгиликлари.

ҲУРМАТЛИ ТЕЛЕТОМОШАБИНЛАР!

Ўзбекистон ССР Телевидение ва радио эшиттириш Давлат комитети ўз программаларига ўзгаришлар киритиши мумкин.

20.25 «Зиковлар». Телеспектакль. 1-қисм (рус.).
21.30 МТ II

СЕШАНБА, 21. VIII

● МТ I

9.00 «Время».
9.40 Мультфильмлар.
10.00 Горький шаҳар «Победа» Маданият саройи халқ чолғу оркестрининг концерти.
10.30 Т. Миннуллин. «Виждоннинг вариантлари йўқ». Фильм-спектакль.
12.10 Янгиликлар.

* * *

15.00 Янгиликлар.
15.20 «Қишлоқ уфқлари». Телефильмлар: «Умидимиз шу даладан», «Замин бизда битта».
16.00 «Расмларда қуёш акси бор».
16.15 Б. Сметана. Торли квартет. Ленинграддан олиб кўрсатилади.
16.45 «Илмий-техника тараққиёти авангардида». Илмий-оммабоп фильм.
16.55 Болалар учун фильм. «Павел аралашмоқда». 3- ва 4-сериялар.
18.00 Халқаро Дўстлик мусобақаларида. Сузиш. Мерганлик. Велоспорт.
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 «Флот адмирали». Совет Иттифоқи Флоти адмирали И. С. Исаков ҳақида телеочерк.
20.00 «Сиз яратган боғ».
20.35 «Жак Оффенбах». Уч серияли телевизион бадиий фильм. 1-серия (Франция).
21.30 «Время».
22.00 Халқаро Дўстлик мусобақаларида. Сузиш.
23.00 «Даврани кенг олинг». Музикали кўрсатув.
23.55 «Дунё воқеалари».
00.10 «Мусобақалар кундалиги».

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.15 «Қурилишда ёғоч конструкциялар». Илмий-оммабоп фильм.
9.40 «Днестр» халқ рақс ансамблининг концерти.
10.10 «Шахмат мактаби».
10.40 Француз тили. 1-йил шуғулланаётганлар учун.
11.10 «Оила ва мактаб». Тележурнал.
11.40 «Юз биринчи». Болалар учун телевизион бадиий фильм. 1- ва 2-сериялар.
14.00 Халқаро Дўстлик мусобақаларида. Сузиш. Сув полоси. СССР—Венгрия терма командалари.
16.00 «Фан ва турмуш».
16.30 «Рус тили».
17.00 Янгиликлар.

* * *

18.30 Янгиликлар.
18.50 «...16 ёшгача ва ундан катталар».
19.30 РСФСР халқ артисти Р. Керер ҳамда МТ ва БР Катта симфоник оркестрининг концерти.
20.20 «Фан ва техника». Киножурнал.
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.45 Латвия ССР Давлат академик хорининг концерти.
21.00 «Кўллаб сифатли товарлар етказиб берайлик».
21.30 «Время».
22.00 «Яшил чақмоқлар». Бадиий фильм.
23.25 Москванинг А. С. Пушкин номи билан боғлиқ диққатга сазовор жойлари ҳақида кўрсатув.

● ЎзТВ I

10.00 «Ахборот».
10.20 Болалар учун фильм. «Бизнинг Чукоккала».
11.15 «Қўшиқлар янграганда». Фильм-концерт.
12.05 Мактаб ўқувчилари учун. «Китоб—бизнинг дўстимиз» (такрорий).
12.55 Янгиликлар.

* * *

18.00 Янгиликлар.
18.15 Қўғирчоқ фильм.
18.30 «Пионерлар мамлакатида».
19.00 «Ишга туширилади ва қурилишлар — ўз муддатида». Янги Қўқон химия заводи (рус.).
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 Тошкент электрон-техника заводи халқ рақс ансамблининг концерти.
20.30 «Ахборот».
20.50 Тошкент электрон-техника заводи халқ рақс ансамблининг концерти (давоми).
21.30 Москва. «Время».
22.00 «Йиғим-терим техникаси мавсумга шай бўлсин».
22.25 «Камера фош этади». Кўрсатувни Ўзбекистон телевидениесининг сиёсий шарҳловчиси Т. Қоратоев олиб боради.
23.35 Янгиликлар.

● ЎзТВ II

9.00—17.05 МТ II
18.30 Кўрсатувлар программаси.
18.35 «Леваневскийнинг «номаълум квадрати». Ҳужжатли фильм.
18.55 «Зиковлар». Телеспектакль. 2-қисм. (рус.).
20.00 Тошкент янгиликлари.
20.20 «СССР халқ артисти А. Соловяненко». Фильм-концерт.
21.10 «Ихтирочи». Телефильм.
21.30 МТ II

ЧОРШАНБА, 22. VIII

● МТ I

9.00 «Время».
9.40 Мультфильм.
10.00 «Ёшлар ижоди».
10.25 «Саёҳатчилар клуби».
11.25 «Жак Оффенбах». Уч серияли телевизион бадиий фильм. 1-серия.
12.20 Янгиликлар.

* * *

15.00 Янгиликлар.
15.20 «Янги бахт билан». Телефильм.
15.40 Воркута шаҳар камер оркестри ижро этади.
16.10 «Мухбирларимиз ҳикоя қиладилар».
16.40 «Қувноқ нотачалар».
16.55 Болалар учун фильм. «Павел аралашмоқда». 5-, 6-, 7-сериялар.
18.25 И. Гайдн. До мажор квартети. Д. Шостакович номидаги Давлат квартети ижро этади.
18.45 «Фан ва турмуш».
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 Халқаро Дўстлик мусобақаларида. Қўл тўпи. Хотин-қизлар. СССР—Польша терма командалари. Мерганлик.
20.35 «Жак Оффенбах». Уч серияли телевизион бадиий фильм. 2-серия.
21.30 «Время».
22.00 Халқаро Дўстлик мусобақаларида. Баскетбол. Хотин-қизлар. СССР—КХДР. Мерганлик.
23.00 «П. Загребельний. Ижоди саҳифалари».
24.00 «Дунё воқеалари».
00.15 «Мусобақалар кундалиги».

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.15 «Қоратов — йигирманчи баҳор». Телефильм.
9.35 «Яшил чақмоқлар». Бадиий фильм.
11.00 Мультфильмлар.
11.30 «...16 ёшгача ва ундан катталар».
12.10 Немис тили. 2-йил шуғулланаётганлар учун.
12.40 «Келажакка командировка». Ўқувчилар бригадаларининг 30 йиллигига.
13.10 Болалар учун фильм. «Оскар, Кина ва Лазер». (Испания).
14.40 Халқаро Дўстлик мусобақаларида. Елкан спорти. Баскетбол. Эркаклар. Болгария—Финляндия терма командалари.
16.00 «Дунё ва ёшлар».
16.35 Янгиликлар.

* * *

18.30 Янгиликлар.
18.50 «Жондан азиз Ватаним». VII Бутуниттифоқ акварель кўргазмасидан. Бокудан олиб кўрсатилади.
19.15 Ленинград Давлат консерваторияси фольклор ансамблининг концерти.
19.30 «Қишлоқ янгиликлари».
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.45 «Тобольск кремлининг хазинаси». Телефильм.
21.00 «Онамларнинг мактаби».
21.30 «Время».
22.00 «Илга-иволга». Телевизион бадиий фильм.
23.05 «Пойтахтдаги гастроллярда». София шаҳар миллий академик опера ва балет театри артистларининг концерти.
24.00 «Желнинг кўк қуши». Рус бадиий ҳунармандчилиги ҳақида.

● ЎзТВ I

10.00 «Ахборот».
10.20 Болалар учун фильм. «Кнопка».
10.50 «Ватан узра қўшиғимиз янграсин». Фильм-концерт.
11.55 «Еттинчи жин». Бадиий фильм (рус.).
13.00 Янгиликлар.

* * *

18.00 Янгиликлар.
18.15 Мактаб ўқувчилари учун. «Хайрлашув гулханлари порламоқда» (рус.).
18.45 «Илҳом». Ижодкор ёшларнинг телевизион клуби.
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 «Маккажўхори — ҳам дон, ҳам озуқа».
20.05 «Амалдаги интернационализм». «Ўзбекистон — Нокоратупроққа». 2-кўрсатув (рус.).
20.30 «Ахборот».
20.50 Ўзбекистон телевидениеси ва радиоси мақомчилар ансамблининг концерти.
21.30 Москва. «Время».
22.00 «Бугун оламда нима гап?» Халқаро аҳвол кундалиги.
22.15 «Бузилмас иттифоқ». ЎзССР ва Ўзбекистон Компартияси ташкил топганлигининг 60 йиллигига бағишланган иттифоқдош республикаларнинг телевизион фестивали. Украина телевидениесининг программаси.
23.45 Янгиликлар.

● ЎзТВ II

9.00—16.40 МТ II
18.25 Кўрсатувлар программаси.
18.30 «Туз». Телефильм.
18.45 Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига. «Порт». Бадиий фильм.
20.00 Тошкент янгиликлари.
20.20 «Олис ва яқин», «Чол ва тулпор». Телефильмлар.
21.00 ЎзССР ва Ўзбекистон Компартияси ташкил топганлигининг 60 йиллигига. Тошкент шаҳар Октябрь райони.
21.30 МТ II

ПАЙШАНБА, 23. VIII

● МТ I

9.00 «Время».
9.40 «Академик Трофимчук». (Биографияси саҳифалари). Телефильм премьераси.
10.10 Халқаро конкурслар лауреати Н. Гаврилова ижро этади (фортепьяно).
10.25 «Ҳайвонот оламида».
11.20 «Жак Оффенбах». Уч серияли телевизион бадиий фильм. 2-серия.
12.15 Янгиликлар.

* * *

15.00 Янгиликлар.
15.15 «80-йиллар коммунистлари». Телефильмлар.
16.00 «Буратино кўргазмаси».
16.25 «...16 ёшгача ва ундан катталар».
17.05 «Шахмат мактаби». Маҳорат сабоқлари.
17.35 «Тарих саҳифалари». «Қалб амри билан ишчи бўлганлар». «Серп и Молот» заводи коллективининг меҳнат анъаналари ҳақида.
18.25 Руминиянинг миллий байрами — Озодлик кунига. РУМИНИЯ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ.
19.10 «Дунё воқеалари».
19.25 Халқаро Дўстлик мусобақаларида. Қўл тўпи. Хотин-қизлар. СССР—ЧССР терма командалари. Велоспорт.
20.15 «Жак Оффенбах». Уч серияли телевизион бадиий фильм. 3-серия.
21.30 «Время».
22.00 Халқаро Дўстлик мусобақаларида. Бокс. Ярим финал.
22.40 Руминия артистларининг концерти.
23.10 «Дунё воқеалари».
23.25 «Мусобақалар кундалиги».

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.15 «Илга-иволга». Телевизион бадиий фильм.
10.20 Мультфильм.
10.30 ТОМСК ТЕЛЕСТУДИЯСИНИНГ ПРОГРАММАСИ.
11.30 Испан тили.
12.00 «Сиз яратган боғ».
12.30 «Севги асраси». Бадиий фильм, субтитр билан.
14.00 Халқаро Дўстлик мусобақаларида. Академик эшкак эшиш. Сув полоси. Сузиш.
16.00 «Налькут». Фильм-концерт премьераси.
16.25 Янгиликлар.

* * *

18.30 Янгиликлар.
18.50 «Инсонга нима керак». Телефильм премьераси.
19.25 «О, Мария...» М. Биешу иштирокида фильм-концерт.
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.50 «Инсон ва қонун».
21.20 «Славяногорск». Телефильм.
21.30 «Время».
22.00 «Кўзимга тик қара». Бадиий фильм.
23.30 А. Твардовский. «Поэмалар». РСФСРда хизмат кўрсатган артист В. Золотухин ижро этади.
24.00 «Лиго туни чироқлари».

● ЎзТВ I

10.00 «Ахборот».
10.20 «Пионер ёзи». Фильм-концерт.
10.50 Мактаб ўқувчилари учун. «Светофор» (такрорий).
11.50 Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига. «Порт». Бадиий фильм.
13.05 Янгиликлар.

* * *

18.00 Янгиликлар.
18.15 Қўғирчоқ фильм.
18.40 Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига. Э. Охунова. «Тинчлик садоси».
19.10 «Қанотларга битилган қўшиқ». Чкалов номли Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасидаги Нуриддиновлар сулоласи ҳақида телеочерк.
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 «Ишчанлик вазиятидаги учрашувлар». Малакали кадрларни тайёрлаш ва меҳнат ресурсларидан рационал фойдаланиш (рус.).
20.30 «Ахборот».
20.50 «Қизлар гулдастаси». А. Островский номидаги Тошкент театр ва рассомчилик институти студентлари ижро этади.
21.30 Москва. «Время».
22.00 «Паррандачилик: тажриба ва муаммолар».
22.20 Руминиянинг миллий байрами — Озодлик кунига. «Ёқимтой жаноб «Р». Бадиий фильм.
23.45 Янгиликлар.

● ЎзТВ II

9.00—16.30 МТ II
18.25 Кўрсатувлар программаси.
18.30 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Касбим—фахрим».
19.00 СССР халқларининг куйлари.
19.30 Реклама.
19.40 «Кинорежиссёр Юлий Райзман». Ҳужжатли фильм.
20.00 Тошкент янгиликлари.
20.20 «Расул Гамзатов». Телефильм.
21.30 МТ II

ЖУМА, 24. VIII

● МТ I

9.00 «Время».
9.40 Мультфильм.
10.20 Қозоғистон ССР Давлат ашула ва рақс ансамблининг концерти.
10.50 «Соавторлар». Телефильм.
11.05 «Жак Оффенбах». Уч серияли телевизион бадиий фильм. 3-серия.
12.20 Янгиликлар.

* * *

15.00 Янгиликлар.
15.20 «Беш йиллик — ҳар биримизнинг ишимиз». Телефильмлар: «Сўнгги пикетлар», «Остонадан ҳатлаб ўт» (Тошкент).
16.00 «Рус тили».
16.35 Илмий-оммабоп фильм.
16.45 «Подмосковье қишлоқларининг бугуни ва эртанги куни».
17.15 Халқаро Дўстлик мусобақаларида. Спорт гимнастикаси.
17.55 Молдавия ССР Давлат телерадиосининг «Фольклор» халқ куйлари оркестри ижро этади.
18.20 «Муаммолар — изланишлар—ечимлар». Автор ва кўрсатувни олиб борувчи сиёсий шарҳловчи Л. А. Вознесенский.
19.05 «Дунё воқеалари».
19.20 Халқаро Дўстлик мусобақаларида. Баскетбол. СССР—Колумбия терма командалари. Сузиш. Велоспорт. Мерганлик.
20.40 «Табассум билан». Киноконцерт.
21.30 «Время».
22.00 Халқаро Дўстлик мусобақаларида. Спорт гимнастикаси. Сузиш.
22.40 «Мусобақалар кундалиги».
22.55 «Сопот-84» эстрада қўшиқлари халқаро фестивали.
23.55 «Дунё воқеалари».

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.15 «Давр билан ҳамоҳанг». Телефильм.
9.30 «Кўзимга тик қара». Бадиий фильм.
10.55 «Ватанимни куйлайман». Воронеж шаҳар болалар коллективларининг концерти.
11.55 Инглиз тили.
12.25 «Сеҳрли ғоз». Болалар учун телеспектакль.
12.55 «Нима? Қаерда? Қачон?» Телевикторина.
14.00 Халқаро Дўстлик мусобақаларида. Қўл тўпи. Хотин-қизлар. Стендга отиш. Доира стенди. Сузиш. Сув полоси. Куба—СССР терма командалари.
16.00 И. С. Бах. Виолончелда соло ижроси учун 4-сюита. РСФСРда хизмат кўрсатган артист А. Васильева ижро этади.
16.25 Янгиликлар.

* * *

18.30 Янгиликлар.
18.45 И. Брамс. 4-симфония.
19.30 «Саёҳатчилар клуби».
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.45 «Дўстларимиз чеҳраси». Кўрсатувни ёзувчи А. Алексин олиб боради.
21.30 «Время».
22.00 «Ҳосиятсиз мерос». «Майор Земан билан содир бўлган 30 воқеа» туркумидан телевизион бадиий фильм премьераси (ЧССР).
23.25 Халқаро Дўстлик мусобақаларида. Баскетбол. Хотин-қизлар. СССР—Куба терма командалари.

● ЎзТВ I

10.00 «Ахборот».
10.20 «Биргаликда шодон қадам ташлаймиз». Фильм-концерт.
10.50 Мактаб ўқувчилари учун. «Мўъжизалар оламига саёҳат» (такрорий).
11.35 «Садқаи-сар». Бадиий фильм.
13.00 Янгиликлар.

* * *

18.00 Янгиликлар.
18.15 Болалар учун фильм. «Башараси олачипор».
18.30 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «ССО-84».
19.00 «Ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш — умумхалқ иши» (рус.).
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 «Олам дарди адиб қалбида». Кўрсатувни Ҳамза номидаги республика Давлат мукофотининг лауреати Л. Қаюмов олиб боради.
20.30 «Ахборот».
20.50 ЎзССР халқ артисти М. Шамаева ҳамда республика Ленин комсомоли мукофотининг лауреатлари Исмоилжон ва Исроилжон Ваҳобовлар концерти.
21.30 Москва. «Время».
22.00 «Дунё воқеалари».
22.30 «Театр билан учрашув». М. Горький номидаги Рус давлат академик драма театри.
23.35 Янгиликлар.

● ЎзТВ II

9.00—16.30 МТ II
18.25 Кўрсатувлар программаси.
18.30 «Кундузги сеансга икки билет». Бадиий фильм.
20.00 Тошкент янгиликлари.
20.20 Шахтёрлар кунига бағишланган кинопрограмма.
21.30 МТ II

ШАНБА, 25. VIII

● МТ I

9.00 «Время».
9.35 «Советское кино». Киножурнал.
9.45 «Спортлото»нинг 34-тиражи.
9.55 «Сизни қизиқтирган адабиётлар».
10.40 «ГДРнинг ишчилар фестивали». Музикали кўрсатув.
11.40 «Усмликлар дунёси».
12.25 Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига. «Ғолиблар». Фронтдош дўстлар клуби.
13.45 «Оила ва мактаб». Тележурнал.
14.15 «Мўъжизасиз — мўъжизалар».
15.10 «Дунё воқеалари».
15.25 Цирк томошалари.
16.20 Сиёсий шарҳловчи В. П. Бекетов суҳбати.
16.50 Мультфильм.
17.05 Халқаро Дўстлик мусобақаларида. Дзюдо. Мерганлик. Қўл тўпи. Хотин-қизлар. СССР—ГДР терма командалари.
18.10 «Ҳамдўстлик». Тележурнал.
18.40 «Ўрток қўшиқ». Бутуниттифоқ телеконкурси. Архангельскдан олиб кўрсатилади.
19.15 «9-студия». Кўрсатувни сиёсий шарҳловчи В. С. Зорин олиб боради.
20.15 «Ануш ая». Телевизион бадиий фильм премьераси.
21.30 «Время».
22.05 «Мусобақалар кундалиги».
22.20 «Шиддатли ва ажойиб дунё». Ҳужжатли фильмлар.
22.30 Халқаро Дўстлик мусобақаларида. Бокс. Финал. Академик эшкак эшиш.
24.00 Янгиликлар.

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.15 «Агар соғлом бўлай десанг».
9.30 Ритмик гимнастика.
10.00 «Тонгги почта» музикали кўрсатуви.
10.30 Болалар учун фильм. «Мунгли горн».
11.45 РСФСР халқ артистлари Н. Павлова ва В. Гордеевлар рақсга тушади.
12.35 КАРЕЛИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕ СТУДИЯСИНИНГ ПРОГРАММАСИ.
13.35 «Денгиз узра қўшиқлар». Одессадан олиб кўрсатилади.
14.00 Халқаро Дўстлик мусобақаларида. Академик эшкак эшиш. Спорт гимнастикаси. Стендга отиш.
16.00 «Кинотомошабин ҳамроҳи».
16.45 «Ҳужжатли экран». Киноилова.
17.35 «Музикали киоск».
18.05 «Афсонага айланган қиз». Телевизион бадиий фильм. 1- ва 2-сериялар («Ўзбекфильм»).
20.15 «Халқаро обзор».
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.45 «Здоровье».
21.30 «Время».
22.05 «Тракторчилар». Бадиий фильм.
23.30 Г. Пономаренко қўшиқлари. Краснодардан олиб кўрсатилади.
23.55 «Гекто» ёшлар клуби». Телефильм.

● ЎзТВ I

10.00 «Ахборот».
10.25 «Ёнаётган қоялар хазинаси». Бадиий фильм.
11.45 «Ҳужжатли кино экрани».
12.30 «Ҳовлимиздаги стадион» (рус.).
13.00 «Нонвой». Фарғона область Ўзбекистон районидаги Пастки қўриқ қишлоғининг нонвойи Р. Йўлдошев ҳақида телеочерк.
13.10 «Ўқитувчиларнинг Август кенгаши». Ўқитишнинг илмий-методик хусусиятлари.
13.40 «Ижод саҳифалари». Муса Жалил.
14.25 «Буни ҳамма билиши ва уддалаши керак».

* * *

16.55 Кўрсатувлар программаси.
17.00 «Дўстлик экрани». Урта Осиё республикалари ва Қозоғистон телевидениеларининг биргаликдаги программаси. Душанбадан олиб кўрсатилади.
18.00 Мактаб ўқувчилари учун. «Санъат ғунчалари».
18.25 Болалар учун фильм. «Чин сехргарлик».
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 «Оламга саёҳат». Киноқўрсатув.
20.30 «Ахборот».
20.50 «Ғўзаллик ҳадя этиб» Телефильм.
21.00 «Дилафрўз Жабборова рақсга тушади». Фильм-концерт («Ўзбектелефильм»).
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Дефолиация: мутахассислар маслаҳати».
22.20 Телевидение экранида биринчи марта. «Оқ тунлар тароналари». Бадиий фильм (рус.).
23.55 Кўрсатувлар программаси.

● 18.00—21.30 ТОЖИКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ.

ЯКШАНБА, 26. VIII

ШАХТЁРЛАР КУНИ

● МТ I

9.00 «Время».
9.35 «Будильник».
10.05 «Совет Иттифоқига хизмат қиламан!».
11.05 «Здоровье».
11.50 «Тонгги почта» музикали кўрсатуви.
12.20 «Совет тупроғидаги учрашувлар».
12.35 Халқаро Дўстлик мусобақаларида. Сузиш. Қўл тўпи. Хотин-қизлар. СССР — Венгрия терма командалари.
13.30 «Қишлоқ янгиликлари».
14.30 «Музикали киоск».
15.00 Болалар учун фильм. «Мен қўшиқ тўқияпман».
16.15 «Саёҳатчилар клуби».
17.15 «Бугун — Шахтёрлар куни». Кўрсатувда СССР Кўмир саноати министри Б. В. Братченко иштирок этади.
17.45 «Табрикларимизни қабул этинг». Шахтёрлар кунига бағишланган музикали кўрсатув.
18.30 «Халқаро панорама».
19.15 «Шерлок Холмс ва доктор Ватсон». Телевизион бадиий фильм. 1- ва 2-сериялар.
21.30 «Время».
22.05 «Мусобақалар кундалиги».
22.20 «Москва саҳнаси усталари».

● МТ II

9.00 «Зарядкага сафланинг!»
9.20 «Халқаро конкурслар лауреати Б. Петрушанский ижро этади». Фильм-концерт.
9.30 «Рус тили».
10.00 РСФСР халқ артисти А. Тихонов Н. Осипов номидаги Давлат академик рус халқ оркестри жўрлигида ижро этади.
10.30 «Пермь ГРЭСи». Илмий-оммабоп фильм.
10.40 П. И. Чайковский. 5-симфония.
11.30 «Ҳайвонот оламида».
12.30 Машҳур совет ижрочилари — Ленин мукофоти лауреатлари. СССР халқ артисти А. Соловьяненко концерти.
13.00 «Гренада акс-садоси». Ҳужжатли фильм.
13.30 «Мухбирларимиз ҳикоя қиладилар».
14.00 Халқаро Дўстлик мусобақаларида. Спорт гимнастикаси. Дзюдо курраши. Волейбол. Эркаклар. СССР—Болгария терма командалари. Стендга отиш. Мерганлик.
16.00 «Француз шансонъелари куйлайди».
16.50 «Кинотомошабин ҳамроҳи».
17.35 Мультфильм.
17.55 «Мардлик». Етти серияли телевизион бадиий фильм. 5-серия.
19.05 Композитор Е. Дога асарларидан концерт.
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.45 «Боржом лавҳалари».
21.00 «Рассомлар ҳақида ҳикоялар».
21.30 «Время».
22.05 «Уни Роберт деб аташарди». Бадиий фильм.

● ЎзТВ I

10.00 «Ахборот».
10.25 «Саломат бў

ЭРТАГА—СССР ҲАВО ФЛОТИ КУНИ

ВАТАНИМИЗНИНГ ҚУДРАТЛИ ҚАНОТИ

19 августда совет авиаторлари ва бутун совет халқи ўзларининг анъанавий байрамлари — СССР Ҳаво флоти кунини тантанали нишонлайдилар.

Бу йил Ҳаво флоти куни совет халқининг сиёсий ва меҳнат қўтаринкилиги ғоят ошган, халқимиз ва қуролли кучларимизнинг Улуғ Ватан урушида қўлга киритган буюк ғалабасининг 40 йиллиги арафасида нишонланмоқда. Совет халқи халқаро аҳвол мураккаблашган шароитда яратувчан меҳнат билан шуғулланмоқда. Империалист доиралар СССР билан АҚШ, Варшава Шартномасидаги давлатлар билан НАТО давлатлари ўртасида қарор топган ҳарбий стратегик мувозанатни бузиб юбориш учун жон ҳолатда уринмоқдалар. «Шу ўринда, — деди ўртоқ К. У. Черненко комсомол ташкилотлари секретарларининг умумармия кенгашида, — мудофаа потенциалимизнинг тийиб турувчи қудрати бебаҳо роль ўйнайди. Ҳозир бу қудрат совет халқи бунёдкорлик меҳнатининг кафилигина бўлиб қолмай, ер юзидаги ялпи тинчликнинг кафили ҳамдир».

Совет халқи бундан бир аср муқаддам биринчи марта ҳавога кўтарилган самолёт рус олими ва ихтирочиси А. Ф. Можайский томонидан яратилганлиги билан, бундан 23 йил муқаддам биринчи марта космик фазога учган ҳам совет кишиси — шонли Ҳарбий ҳаво кучлари вакили Юрий Алексеевич Гагарин эканлиги билан ҳақли равишда фахрланадилар.

Совет авиациясини ҳақли равишда космонавтиканинг бешиги деб аташади. Унинг сафида қўплаб учувчи-космонавтлар етишиб чиқдилар. Авиация улар учун биринчи космодром, қачонлардир афсоналар олами сифатида талқин этилган номаълум бўшлиқ сари биринчи старт майдони бўлиб хизмат қилди.

Ўтган 66 йил давомида совет авиаторлари социалистик Ватанимизнинг озодлиги ва мустақиллиги учун олиб борган жангларда, ҳаво океани бўшлиғини ўзлаштириш ва космик фазони забт этишда ўзларини мисли кўрилмаган шон-шуҳратга буркадилар.

Граждан уруши йилларида совет авиаторлари биринчи авлодининг қанотлари мустаҳкамланди, уларнинг учувчилик маҳоратлари ошди, жанговар анъаналар вужудга келди. Ўша узоқ ва афсонавий йиллар тарихи революция ишига содиқ бўлган қанотли ўғлонлар номини асраб келмоқда. Шулардан 219 киши Қизил Байроқ ордени билан мукофотланган.

Туркистон фронти авиаторларининг шон-шуҳратга бурканиши Ўрта Осиё территориясида босмачи тўдаларга қарши аёвсиз жанг олиб борилган суронли йилларга бориб тақалади.

Туркистон ҳарбий округи авиацияси тоғли ва даштли ерларда ҳарбий десантлардан фойдаланиш услубини ишлаб чиқиш ва қўллашда биринчи ўринда туради. Масалан, 1928 йилнинг ёз ойларида Жунаидхон тўдасини қириб ташлаш учун Қорақум чўлига 15 кишидан иборат десант туширилганди. Бу ҳарбий практикада аввал ҳеч қўлланмаган жасурона синов эди. Шунга қарамай, бу операция муваффақиятли ўтди.

Босмачиликка қарши жанговар операцияларда актив иштирок этганлиги ва мардлик ҳамда жасорат кўрсатганлиги учун 33 учувчи ва механик Қизил Байроқ ордени билан мукофотланди. Шулардан икки авиатор бу юксак мукофотга икки бор сазовор бўлди.

Граждан уруши ғалаба билан тугаб, тинч социалистик қурилиш йилларида авиация, шу жумладан ҳарбий авиация ҳам жадал ривожлана бошлади. Бунда ВЛКСМ IX съезди муҳим роль ўйнади. Съезд 1931 йилнинг 25 январида мамлакатимиз Ҳарбий ҳаво кучларини оталиққа олиш тўғрисида 3 миллион комсомол аъзоси номидан қарор қабул қилди. Партия ва комсомол чақириғи билан минглаб ёш ватанпарвар кўнгиллилар ҳаво флотига келдилар ва кейинчалик совет авиацияси қаҳрамонона тарихининг янги саҳифасини очдилар.

Совет учувчилари дастлабки беш йилликлар даврида Ватанимизда яратилган самолётларда ажойиб узоқ муддатли учишлар қилдилар, жами жаҳон авиация рекордларининг учдан биридан кўпроғини ўрнатдилар. 1934 йилда челюскинчиларни қутқариш бўйича ўтказилган қаҳрамонона эпопея бир умр халқ ёдида сақланади. Ана шу эпопея қатнашчиси бўлган 7 кишининг ҳаммаси мамлакатимизда биринчи бўлиб Совет Иттифоқи Қаҳрамони юксак унвонига сазовор бўлди. Яна бошқа кўплаб учувчиларимиз Ватанимизни буюк авиация мамлакати сифатида шуҳратга буркадилар.

Совет авиацияси комил ишонч билан қудратли бўлиб борди. 30-йилларда ҳарбий ҳаво кучларимиз Совет давлатининг қудратли ҳимоя кучига айланди.

Ҳасан кўли, Халхин-Гол дарёси яқинидаги ва Карелия бўйнидаги жангларда душманларимиз совет авиацияси зарба кучини амалда кўрдилар. Интернационал бурчларига содиқ бўлган совет учувчилари Испания ва Хитой республикаси осмонларида ҳам мардонавор жанг олиб бордилар.

Улуғ Ватан уруши совет учувчиларининг маънавий ва жанговар қобилиятларини, авиациямиз куч-қувватини жиддий синовдан ўтказди. Армия ва Флотнинг барча жангчилари қатори учувчиларимиз ҳам душман билан бўлган жангда мислсиз жасорат, матонат ва қаҳрамонлик кўрсатдилар.

Эндиликда Николай Гастелло, Виктор Талалихин, Тимур Фрунзе, Алексей Горовец, Александр Покришкин, Иван Кожедуб сингари кўпгина учувчиларимиз номи фақат мамлакатимиздагина эмас, ўнлаб чет элларда ҳам маълум ва машҳурдир. Улар қаҳрамонлик ва жасорат кўрсатиб Совет Ҳаво кучлари қудратини ва шуҳратини оширдилар.

Туркистончи жасур учувчилардан Н. А. Абдиров, С. Морозов, Н. Надеждин, В. Синчюк, Л. Теряев ва М. Янколар Николай Гастелло жасоратини такрорлаб, ўз номларини мангу ўчмас қилиб қолдирдилар.

Қизил Байроқли Туркистон Ҳарбий округи авиация қисмларида ҳозир жанговар ўқув айни қизғин паллага кирди. Ҳарбий авиаторлар «Ҳушёр туриш, социализм ғалабаларини ҳимоя қилиш учун доимо тайёр бўлиш» шиори остида ўтаётган ўқув йили топшириқларини сифатли бажариш йўлида бошланган социалистик мусобақада актив иштирок этмоқдалар. Ҳозир жами авиаторларнинг ярмидан кўпроғи ҳарбий ва сиёсий тайёргарлик аълочисидир. Юқори малакали учувчилар, штурманлар ва техниклар сони йил сайин ўсиб бораётир.

В. Луговкин, В. Алмосов, В. Сикорский, Н. Трегубов, А. Колесников, В. Васильев, Г. Лебедев, Ф. Сироткин ва ака-ука Шожалиловлар сингари офицерлар хизмат қилаётган қисм ва бўлинмаларнинг шахсий состави Ҳарбий ҳаво флоти кунини илғорлар қаторида кутиб олмоқдалар.

Улуғ Ватан урушида эришилган ғалабанинг 40 йиллигини муносиб кутиб олишга қизғин тайёргарлик кўраётган учувчиларимиз Коммунистик партиянинг ҳар қандай чақириғига, жонажон Ватанимизнинг буйруғига биноан ўзларининг ватанпарварлик бурчларини охиригача бажаришга тайёр турибдилар.

В. ЧЯРТОРИЖСКИЙ,
авиация генерал-майори.

● Ҳарбий учувчилар ўзларининг анъанавий байрамларини юксак кўтаринки меҳнат кайфиятида кутиб олмоқдалар. Суратда: (чапдан ўнгга) катта лейтенантлар Ю. Гладченко, С. Лозицкий, В. Демидов, В. Петров, А. Подстригич, прапорщик А. Пудовкин, парвоз раҳбари майор Е. Семенов (ўртада) билан суҳбатлашмоқдалар.

В. Портнов фотоси.

ЮРТДОШЛАРИМИЗ ШУНДАЙ ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДАЛАР

ПАРВОЗ БЕХАТАР БЎЛСИН

Эрта тонг. Қуёш заррин нурлари ила аэродром кенгликларини ёритмоқда. Оддий солдат И. Хўжаев старт пунктида ҳарбий самолётларнинг алоқа аппаратураларини созлаш билан банд. Иш жуда кўп. Лекин Исмоил бехато ва аниқ ҳаракат қилади. Чунки у ҳарбий машинанинг парвоз вақтида панд бериб қўймаслигига аввало ўзи ишонч ҳосил қилиши лозим.

— Старт! Менн яхши эшитяпсизми?—командирлик пунктидан селектор орқали сўрашади. Овоз одатдагидан баландроқ эшитилди. Оддий солдат Хўжаев дарҳол эшитиш аппаратини пасайтирди.

— Сизни яхши эшитяпман, — жавоб берди у.

Телефон ва радио алоқалар ҳам созланди. Шу пайт бир группа учувчилар парвоз кийимида кириб келдилар. Оддий солдат И. Хўжаев уларга ҳисоб беради:

— Самолётнинг алоқа тармоқлари текшириб чиқилди. Улар ишлаш учун тайёр.

Унинг овозидаги қатъийликдан ўзи бажарган ишга кафолатни яққол сезиш мумкин эди.

— Эсимда, — дейди Исмоил. — Ҳарбий хизматнинг дастлабки кунларида ранг-баранг сигнал чироқлари, турли вазифани бажарувчи ўнлаб телефон аппаратларини кўриб саросимага тушгандим. Уларни ўзлаштириб олиш менга жуда қийин бўлиб туюлганди. Командирлар, солдат-устозларим яқиндан ёрдам беришди. Мана энди мураккаб аппаратураларни мукаммал ўрганиб олдим.

Самолётлар парвози бошланиш арафасида. Эфирда буйруқлар эшитилади:

— Кучланиш қандай?

— Нормада.

— Модуляция?

— Жойида. Учишга рухсат сўрайман.

— Рухсат.

Парвоз бошланди. Учишнинг бехатарлигида ўзининг ҳиссаси борлигидан оддий солдат И. Хўжаев фахрланади.

Яқинда Исмоилнинг ҳаётида яна бир қувончли воқеа содир бўлди. Қўмондонлик томонидан ҳарбий техникани мукаммал ўзлаштириб олгани, берилган топшириқни ўз вақтида бажаргани учун унга раҳматнома эълон қилинди.

Б. ОЧИЛОВ,
капитан.

ҚУНИШГА РУХСАТ ЭТАМАН

Катта лейтенант Анвар Акбаров ҳарбий машинанинг тайёргарлиги ҳақидаги ахборотни тинглагач, самолёт кабинасига ўтиргач, яна бир бор рўпарасидаги мураккаб аппаратуралар билан жиҳозланган доскани кўздан кечирди.

— Ҳаммаси жойида. — кўнглидан ўтказди у. — Сўнгра радиостанция орқали командирлик пунктига мурожаат қилди.

Машқ шундай бошланди...

— Учишга рухсат беринг!

— Кутиш полосасига ўтиш учун рухсат бераман!..

Самолётлар бир зумда булутлардан ҳам юксакроққа парвоз қилдилар. Бошқариш пунктида ўзбек учувчисининг самолёти локатор экрани орқали кузатиб бориляпти.

— «Душман самолёти» парвозда. — Учиш раҳбари командир В. Масленниковнинг овози эшитилди. Учувчи дарҳол ҳушёр тортди. Узоқдан нуқтадек бўлиб кўринаётган самолёт энди яққолроқ намоён бўлди. Бироздан сўнг эса кўздан ғойиб бўлди.

Ҳарбий учувчининг вазифаси янада қийинлашди. Уни дарҳол қувиш, топиш керак.

А. Акбаров ўзининг маҳоратини намойиш қилди. Шериги билан «душман самолёти»нинг маневр қилишига тўсқинлик қила бошлади. Гоҳ у ёнидан, гоҳ бу ёнидан ўтиб уни қисиб қўйишди. Шу вақт Акбаров кетма-кет маневрлар қилиб, «душман самолёти»ни қўнишга мажбур этди.

—Баракалла, Акбаров.—Командирнинг овози бу сафар қувончлироқ эшитилди. — Қунишга рухсат этаман.

И. РАМАЗОНОВ,
лейтенант.

ПОЙТАХТ ТЕАТРЛАРИДА

ЯНГИ МАВСУМ, ЯНГИ УЧРАШУВЛАР

БУГУН пойтахтимиздаги Ҳамза номидаги Ленин орденли ўзбек Давлат академик драма театри янги ижодий мавсумини бошлайди. Санъат даргоҳи навбатдаги мавсумини халқимиз Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллик юбилейини муносиб кутиб олиш учун фидокорона меҳнат қилаётган бир пайтда очмоқда. Меҳнаткашларнинг самарали ишдан кейин мазмунли дам олиши учун театр коллективи кўпгина тадбирларни амалга оширмоқда. Юбилей йилида театр репертуари янги асарлар билан бойиб бормоқда. Хусусан, бу мавсумда Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, севимли адибимиз Комил Яшиннинг «Йўлчи Юлдуз» пьесаси қайтадан саҳналаштирилади. Шунингдек, театр коллективи А. Проханов ва В. Черчиковаларнинг «Йўл бошидан», Шукруллонинг «Ўғрини қароқчи урди», Саид Аҳмаднинг «Куёв» каби пьесалари асосида саҳна асарлари яратмоқда.

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби, республика Ленин комсомоли мукофотининг лауреати Баҳодир Йўлдошев саҳналаштирган «Йўл бошидан» спектакли Афғонистондаги савр инқилобининг олти йиллигига бағишланди.

Янги мавсумда театрнинг 100 томошабинга мўлжалланган кичик саҳнаси ҳам ишга тушади.

А. ҒУЛОМОВ.

СПОРТ

ҲАМЮРТЛАРИМИЗ ДЎСТЛИК МУСОБАҚАЛАРИДА

Маълумки, «Дружба—84» мусобақалари Лос-Анжелесдаги «америкалаштирилган» олимпиа ўйинлари бошланмасдан олдин ўтказила бошланганди. Шу кунларда у яна давом эттирилмоқда. Программага 25 хил спорт тури киритилиб, у Болгария, Венгрия, Германия Демократик республикаси, Куба, Монголия, Чехословакия, СССРда ўтказилади.

«Дружба—84» мусобақаларида қўплаб ўзбекистонлик спортчилар совет спорти шарафини оқлашаяпти. Ҳозирча курашчилардан Арсен Фадзаев, Камил Фаткуллин, Аслан Хадарцев олтин медаль, Эдем Муродасилов эса кумуш медаль соҳиби бўлдилар. Шунингдек, бу катта давра мусобақаларида ҳамюртларимиздан Владимир Шин, Эркин Шагаев, Ирина Бараксанова, Сергей Воронин, Людмила Бутузова, Ольга Белькова, Надия Усмонова, Сергей Ловачев, Сергей Усов, Сергей Иваненко, Рустам Ямбулатов, Александр Панфилов, Лариса Белоконь, Сергей Заболотний, Вячеслав Шаронов, Игорь Барков, Сергей Кузменколар иштирок этишади.

БУНДАЙЛАРГА ЛОҚАЙД БЎЛМАЙЛИК

АХЛОҚ МАВЗУИДА

ЖАМИЯТИМИЗДА қалби пок, она-Ватанга, оиласига, одамларга меҳрибон, садоқатли, ўз манфаатини умум манфаатидан устун қўймайдиган, меҳнатсевар инсонлар кўп. Бундай кишилар ҳаётини софдиллик, ҳалоллик, ишчанлик ва саминият хислатлари безаб туради. Улар одамларга яхшилик қилишга шошиладилар. Бировнинг бошига тушган мусибатларни енгиллатишга интиладилар. Маънавий гўзаллик, юксак ахлоқийлик, кўпчилик манфаати йўлида фидойилик, уларнинг бутун вужудига сингиб кетган.

Аммо орамизда айрим кишилар ҳам борки, улар ўзларининг чиркин хулқ-атворлари билан жамиятимиз ҳуснига доғ бўлиб тушмоқдалар. Бундайлар ўз манфаатлари йўлида айёрлик, тилёғламалик, лаганбардорлик, номардликни афзал деб биладилар. Ўз мақсадларига эришгунга қадар яхши одам бўлиб кўринадилар-у, ишлари битгандан кейин ҳеч кимни танимай, менсимай қўядилар. Устамонлик билан ҳаёт кечиришдан лаззатланадилар. Кимларгадир таяниб бебошлик йўлига кирадилар. Кўз ўнгимизда содир бўлган мана бу воқеа қалбимизни ҳамон ларзага солмоқда.

...Шерзод Санобарга чин муҳаббат қўймаганини биларди. Чунки қизнинг бошига оғир мусибат тушган, онаси вафот этган куни бутун курсдошлар уларникига йиғилганимизда Шерзод қишлоқдан келган дўстини баҳона қилиб бормаган эди. Орадан бир ҳафта ўтгач, мотам либосида келган Санобарга тилёғламалик қилиб:

— Жияним армияга кетаётган экан, кузатиш билан бўлиб боролмадим, бандалик, — дея қутулди.

Санобар содда, қалби пок қиз бўлганлиги учунгина кудурат қилиб ўтирмади. Бояги-боягидек Шерзодга бўлган самимияти, ҳурматини сақлади.

Пахта йиғим-терим мавсуми эди. Группадошлар Санобарни туғилган куни билан қутлашга аҳд қилдик. Биз доимо унинг кўнглини кўтаришга интилардик. Туш вақтида бригада шийпонида курсдошимизни қўл соати ва даста-даста гуллар билан табрикладик.

Шу куни Шерзод: «академик қизига бир қўл соати камлик қилади, ёнига менинг номимдан мана буни ҳам қўшинглар» дея кремплин кўйлак тутқазди. Старостамиз эътироз билдирмади. Аммо қизнинг ҳурматидан ҳам кўра, «академик»ка бўлган ҳурмат» Шерзодда кучлироқ эканлигини биз ҳам бўларди. Отам йўқ демаслар...

Фармон Бердиевич чиндан ҳам йўқ демади.

— Сен ҳам қаршилик қилма, қизим, — деди у,— илмга чин ихлос қўйган бўлса бир жойдан чиқади. Ўзига ҳам, одамларга ҳам, илога ҳам нафи тегади.

Шу тариқа Шерзод ҳаётида аспирантлик йиллари бошланди. Фармон Бердиевич орқали таянчлар орттирди. Кандидатлик диссертациясини ҳам ёклади. Бу орада оилада фарзандлар ҳам кўпайиб борди. Лекин Шерзод рўзғор ташвишидан ҳоли эди. Санобар мактабда ўқитувчилик қилар, отасидан вақти-вақти билан ёрдам олар, эрини моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлар эди.

Умр йўлдошини ўз уйида муваффақият билан қутлаган куни кулоқларига қўйилган қўйидаги гапларни Санобар ҳануз унутолмайди:

— Санобар, менсиз ҳам яшай олишингга ишонч ҳосил қилганимдан кейин, шайтон мени йўлдан оздирди. Мен Тошкентда уйландим. Комила билан ўртамизда бир ўғлимиз бор.

Санобар бошига гурзи тушгандек, хушсиз йиқилди. Энди отаси олдида ким деган одам бўлади. Емай еди-риб, болаларнинг ризқи-рўзини қийиб ўқитган эрининг аҳволи шу бўлса!..

У эс-хушини йиғиб улгурмаган ҳам эдики, Шерзоднинг:

— Энди сен билан ҳам, отанг билан ҳам, болалар билан ҳам ишим йўқ. Ҳаётда бунақа тақдирлилар кўп. Нафақангни олаверасан, — деган сўзлари бағрини тилкалади.

...Шерзод уйдан кетса ҳам маҳалладан нари кетмади. Орадан бир йилча ўтгач:

— Ойда ҳам доғ бўлади, олти боланг билан қийналасан, энди ҳеч ҳам хор қилмайман, болаларни дейман, — дея яна Санобарнинг қўйнини пуч ёнғоққа тўлдирди.

Аёл кишининг кўнгли юмшоқ эмасми. Ҳар ёқни ўйлаган Санобар яна Шерзодга уй тўриндан жой берди. Лекин қалби бошқа илимади. Болаларимнинг отаси, деган ўйни дилига зўрлаб жо қилганча ҳаёт кечираверди.

Аммо ўрганган кўнгил ўртанса қўймас экан. Шерзод Комиланинг ҳам жавобини бериб, Санобарни алдаб ўзидан икки баравар ёш жувонга «кўнгил қўйди».

Энди босиқ, иродали Санобарнинг асаб торлари узилди. У дардга чалинди. Оилада бўйга етиб келаётган қизи Нодира отасининг бу қилиғини кўтаролмай ногирон бўлиб қолди. Ота қизини лоақал бир марта бўлсин кўргани келгани йўқ. Бағритош Шерзод йўлидан қайтмади. Сандага уйланди...

Яқинда уларни биф тўйда учратиб қолдик. Шерзод ширакайф.

— Энди турмуш қургандек бўлдим, — Саниданинг отаси райком секретари, тоғаси колхоз раиси, еганимиз олдимизда, емаганимиз орқамизда, ялло қилиб юрибмиз. Ҳали ҳам биринчи қайнатам жойлаган институтда ишлаяпман. Маошим етарли, — дея мақтанди у.

Дилларимиз нафратга тўлди. Олдимизда инсон қиёфасидаги махлуқ ўтиргандек эди. Нега бундайлар тузукроқ жаҳо олмаслиги, шарманда бўлмаслигини ўйладик. Кейин саволимизга жавоб топгандек бўлдик. Шундайларни суяб келаётганлардан ҳам ҳафсаламиз пир бўлди.

...Биз ҳикоя қилган нарсаларнинг ҳаммаси бўлган воқеа. Фақат соддакўнгил, қалби пок, ўз фарзандларига содиқ аёлнинг ҳурмати, болаларнинг келажакдаги тақдирини ўйлаб мақоладаги номларни ўзгартирдик, холос. Балки, шу мақоладан кейин Шерзод оиласига, бирбиридан гўзал фарзандларига меҳр кўзи билан қарар деган умид ҳам бизни тарк этмади. Билмадик, бу фикримизга газетхонлар нима дейишаркин?!

Албатта, Шерзод кабилар орамизда бармоқ билан санарли. Социалистик турмуш тарзимизнинг ёрқин мазмуни бундайлар билан белгиланмайди. Аммо бизнинг жамиятимизда оила муқаддас. У бутун бир Советлар мамлакати деб аталувчи катта оиламизнинг ажралмас заррачасидир. Шундай экан, жамоатчилик, маҳалла-кўй, ошна-оғайни, қавму-қариндош Шерзод кабиларга бефарқ қарамаслиги, бундайларни ўз вақтида тартибга чақириши, лозим бўлса жазолаши керак. Ҳар бир оиланинг тинч-тотув, бахтиёр яшашини таъминлашда актив иштирок этишимиз лозим. «Инсон одамлар орасидагина одам бўла олади» деган эди файласуф Бехер. Шундай экан, Шерзодга ўхшаганларга ҳеч қачон лоқайд бўлмайлик.

А. ҲАСАНОВА,
Тошкент Давлат университети педагогика кафедрасининг доценти.
С. ҲАСАНОВ,
СССР Журналистлар союзи аъзоси.

Редактор ўринбосари
Р. УМАРОВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ЎҚИШГА МАРҲАМАТ!

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитетининг

227-ШАҲАР ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1984-85 ўқув йили учун қуйидаги ихтисослар бўйича

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Тўқувчилар, йигирувчилар, калаваловчилар, тайёр маҳсулотлар бўйича контролерлар, электромонтерлар, тўқувчилик ишлаб чиқариш мастерининг ёрдамчилари, пардозлаш ишлаб чиқаришнинг слесарь-ремонтчилари.

Билим юртига 8-10 синф ҳажмида маълумотли йигит-қизлар қабул қилинадилар.

Ўқишга 8-синф ҳажмида маълумот билан кирганлар 3 йил ўқийдилар ва улар бепул овқат, кийим-бош билан таъминланадилар. Ишлаб чиқариш практикаси даврида топган меҳнат ҳақларининг 50 процентини оладилар. Билим юртини тугатгач ўрта маълумот ва эгаллаган касблари тўғрисида диплом оладилар.

Билим юртига ўрта маълумот билан кирганлар 1 йил ўқийдилар ҳамда улар 70 сўм стипендия ва ишлаб чиқариш практикаси даврида топган меҳнат ҳақларининг 50 проценти билан таъминланадилар.

Билим юртини яхши ва аъло баҳолар билан битирганлар олий ўқув юртларига йўлланма билан ўқишга юборилади.

Билим юрти қошида тикиш-бичиш, бадиий ҳаваскорлик, бадиий тўқиш тўгараклари ҳамда спорт секциялари мавжуд.

Бошқа шаҳарликлар ётоқхона билан таъминланадилар.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Чилонзор райони, Бешёғоч, Олмазор кўчаси, 185-уй. (7, 11, 13, 51, 103, 122, 123, 130-автобуслар; 2, 3, 6, 7, 13, 14-троллейбусларнинг, метронинг «Халқлар дўстлиги станцияси» бекати).

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитети

196-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН

қуйидаги ихтисослар бўйича

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Билим юрти В. И. Ленин номидаги Тошкент электрон техника заводига қуйидаги ихтисосликлар бўйича юқори малакали мутахассислар тайёрлайди: ярим ўтказгичли асбобларни йиғувчилар, электрон техника асбоблари ва деталларини синовчилар, электрон техника асбоблари ва деталларининг контролёрлари, радиоаппаратуралар ва асбобларнинг монтажчилари ва регулировкачилари, технологик ускуналарни созловчилар, синов ускуналарининг созловчи-монтажчилари, токарлар, фрезерчилар, электр пайвандчилар, слесарь-асбобсозлар.

Билим юртига 8-10 синф ҳажмида маълумотли, Тошкент шаҳрида ва унинг атрофида яшовчи йигит-қизлар қабул қилинади.

Ўқиш муддати 8 синф маълумоти бўлганлар учун 3 йил, 10 синф ҳажмида маълумоти бўлганлар учун 6 ой, радиоаппаратуралар ва асбобларнинг монтажчилари ихтисослиги бўйича қабул қилинган 10 синф ҳажмида маълумоти бўлган ўқувчилар ойига 30 сўм стипендия билан таъминланадилар, технологик ускуналарни созловчилар, токарь, фрезерчилар, слесарь-асбобсозлар 72 сўм ҳажмида стипендия билан таъминланади. 8 синф ҳажмида маълумотлилар қисман давлат таъминотида бўладилар ва ўрта маълумот оладилар.

Ҳамма ўқувчилар ишлаб чиқариш практикаси даврида иш ҳақининг 33 процентини оладилар.

Ўқиш вақти иш стажига қўшиб ҳисобланади.

Ўқиш группалар комплектланганда сўнг бошланади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, 5-алоқа бўлими, Весна кўчаси, 17-уй (1, 5, 26 трамвайлар, 106-автобуснинг «Фоменко» бекати). Телефон 91-14-51.

ТВ

БУГУН

МТ-I. 9.00—Время. 9.40 — Концерт. 10.00 — «Спортлотонинг 33-тиражи. 10.10 — Фан ва техника. 10.20 — Кўплаб сифатли товарлар етказиб берайлик. 10.50 — Бадиий ҳунармандчилик. 11.20 — Одамлар ва дельфинлар. Телевизион бадиий фильм. 3-фильм. 2-қисм. 12.25 — Халқаро Дўстлик мусобақаларида. 13.35 — Мультипликацион фильм. 14.15 — Ўртоқ қўшиқ. Конкурс. 15.15 — Дунё воқеалари. 15.30 — Ҳужжатли фильм. 16.00 — Оила ва мактаб. 16.30 — Ҳайвонот оламида. 17.30 — 1984 йил қўшиқлари. 18.25 — Сиёсий шарҳловчи Л. А. Вознесенский суҳбати. 18.55 — Спорт бадиий байрами. 21.30 — Время. 22.05 — Чет эл эстрадаси. 23.00 — Халқаро Дўстлик мусобақаларида. 24.00 — Янгиликлар.

МТ II. 9.00 — Эрталабки гимнастика. 9.15 — Агар соғлом бўлай десанг. 9.30 — Ҳужжатли фильм. 9.50 — Мультфильм. 10.25—Тонгги почта. 10.55—ПЕРМЬ ТЕЛЕВИДЕНИЕ СТУДИЯСИНИНГ ПРОГРАММАСИ. 11.55—Ҳужжатли фильм. 12.15—СССР халқ артисти Д. Шафран чалади. 13.25—Ҳужжатли фильм. 14.15 — Мартин XIII. Телевизион бадиий фильм. 15.40 — Халқаро Дўстлик мусобақаларида. 17.40 — Фильм-спектакль. 18.45 — Кинопанорама. 20.15 — Халқаро обзор. 20.30 — Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар. 20.45—Здоровье. 21.30 — Время. 22.05—31-бўлимнинг ҳалокати. Телевизион бадиий фильм. 1- ва 2-сериялар.

ЎзТВ I. 10.00 — Ахборот. 10.20 — Қанотлар ҳақида достон. Бадиий фильм. 1-серия. 11.35 — Светофор. 12.35 — Шахмат мактаби. 13.05 — Халқ бахшилари конкурси. 14.05 — Касаба союзлари — коммунизм мактаби. 14.35 — Замондас. 18.05—Мультфильм. 18.15 — Мўъжизалар оламига саёҳат. 19.00 — Инсон ва табиат. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Телевизион миниатюралар театри. 20.30 — Ахборот. 20.50—Нафосат гулдастаси. 21.30 — Время. 22.05 — Терим агрегатлари мавсумга шай бўлсин. 22.25 — Шайтон малайлари. Кинокомедия.

ТОЖИКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА

18 август соат 19.30 да

«БОЙ ИЛА ХИЗМАТЧИ»

спектакли билан

67-МАВСУМ ОЧИЛАДИ

Касса соат 10.00 дан ишлайди.

Коллектив бўлиб келиш учун заявкалар қабул қилинади.

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 18/VIII да **Бой ила хизматчи** (19.30).

ЦИРК

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **«Интерцирк-84» чет эл цирки артистларининг томошалари** (12.00, 16.00, 19.30).

Р. 20028. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС: 64684. В. 1764.